

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ  
ВАЗИРЛИГИ**

**ТОШКЕНТ МОЛИЯ ИНСТИТУТИ**

**МАГИСТРАТУРА БЎЛИМИ**

Кўлёзма ҳуқуқида

**ТУРСУНБОЕВА ФЕРУЗА САЙФУТДИН ҚИЗИ**

**ДАВЛАТНИНГ МОЛИЯВИЙ САЛОҲИЯТИ ВА УНИНГ  
ХЎЖАЛИК ЮРИТУВЧИ СУБЪЕКТЛАР МОЛИЯСИ БИЛАН  
ЎЗARO БОҒЛИҚЛИГИ**

Мутахассислик: 5А340601-“Давлат молиясини бошқариш”

Магистр академик даражасини олиш учун ёзилган

**ДИССЕРТАЦИЯ**

И доц. Комолов О.

**ТОШКЕНТ – 2013**

Кириш.

**I-боб. Хўжалик юритувчи субъектлар молиясини ташкил этишнинг умумназарий асослари.**

1.1. Давлат молиясининг иқтисодий моҳияти ва аҳамияти.

1.2. Хўжалик юритувчи субъектлар молиясининг давлат молиявий салоҳиятидаги ўрни.

1.3. Хўжалик юритувчи субъектларни давлат молияси билан ўзаро ҳамкорлиги.

**II-боб. Давлат молиявий салоҳиятини оширишда хўжалик юритувчи субъектлар фаолияти иқтисодий таҳлили.**

2.1. ЯИМ ўсишида хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг молиявий таҳлили.

2.2. Хўжалик юритувчи субъектларнинг молиявий барқарорлигини оширишга қаратилган тадбирлар тизими.

2.3. Хорижий инвестициялар иштирокидаги хўжалик юритувчи субъектларни рағбатлантириш йўналишлари.

**III-боб. Хўжалик юритувчи субъектларнинг молиявий барқарорлигини ошириш масалалари.**

Хулоса ва таклифлар.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.

Кириш.

**Тадқиқотнинг долзарблиги.** Иқтисодийни модернизациялаш шароитида хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини тубдан ўзгартириш ва улар томонидан ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш тизимини ривожлантиришни шиддатли рақобат шароитидаги ўз иқтисодий ечимини кутаётган долзарб масалалардан бири сифатида эътироф этиш мумкин.

Бугунги кунга келиб, мамлакатимизда турли мулкчилик муносабатларининг шаклланиши, шу билан бирга хўжалик юритувчи субъектлар ўртасида мулкдорларнинг ўрта синфи шаклланиши, аҳоли эҳтиёжларини таъминлаш учун ички бозорни рақобатбардош ва сифатли маҳсулотлар билан тўлдириш вазифаларининг мавжудлиги, аҳоли бандлигини ошириш мақсадида янги иш ўринларини яратиш ва шу асосда аҳоли даромадларини кўпайтириш ҳамда фаровонлигини оширишнинг муҳим омили сифатида юртимиз тараққиёти йўлидаги фаол ҳаракатлантирувчи куч сифатида хусусий тадбиркорлик ва кичик бизнесни янада ривожлантириш учун қулай шарт-шароитларни яратиш бўйича аниқ мақсадга йўналтирилган чора-тадбирлар комплексини амалга ошириш асосий мақсадлардан бири бўлиб ҳисобланади.

Хўжалик юритувчи субъектлар давлат молия тизимининг ажралмас таркибий бўғини бўлиб, уларнинг молиявий барқарорлигини кучайтариш мамлакат молиявий салоҳиятини оширишда муҳим ўрин тутди.

Иқтисодийни модернизациялаш шароитида хўжалик юритувчи субъектларнинг ишлаб чиқариш фаолиятини ривожлантириш, улар томонидан юқори сифатли ва рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳамда жаҳон бозорларида мустуҳкам ўрин эгаллаш пировардида, мамлакат миллий иқтисодиёти барқарорлигини оширишга хизмат қилади. Бу борада, юқори қўшимча қийматга эга бўлган маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кўпайтиришни таъминлайдиган кимё, нефт-газ ва нефт-кимё саноатини, машинасозлик, металлни қайта ишлаш, қурилиш материаллари ишлаб чиқариш, енгил, озиқ-овқат саноатининг юқори технологияларга асосланган

тармоқларини ва бошқа соҳаларни юксак даражада ривожлантириш олдимизга қўйилган мақсадларга эришишнинг асосий манбаи бўлиши даркор<sup>1</sup>. Шундай экан, мамлакатимизда хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини янада ривожлантириш, улар фаолиятига хорижий инвестицияларни жалб этишни рағбатлантириш ҳамда молиявий имтиёзлар яратиш давлатнинг молиявий салоҳиятини оширишда муҳим аҳамиятга эга.

**Тадқиқот ишининг ўрганилганлик даражаси.** Давлатнинг молиявий салоҳияти ва унинг хўжалик юритувчи субъектлар молияси билан ўзаро боғлиқлиги масалалари хорижий иқтисодчи-олимлардан Бабиш А., Павлова Л. Браичева Т.В. Дробозина Л.А. Романовский М., Врублевская О., Сабанти Б. Румянцева Е.Е. Ковалев В.В. Шуляк П.Н. ва бошқаларнинг илмий тадқиқотларида ёритилган.

Мамлакатимиз иқтисодчи олимларидан Т.Маликов, Н.Ҳайдаров, А.Вахобов ва О.Олимжоновларнинг илмий тадқиқотларида хўжалик юритувчи субъектлар молияси чуқур тадқиқ этилган.

**Тадқиқотнинг мақсади.** Иқтисодиётни модернизациялаш шароитда давлатнинг молиявий салоҳияти ва унинг хўжалик юритувчи субъектлар молияси билан ўзаро боғлиқлиги масалаларини тадқиқ этиш ва шу асосда илмий таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

**Диссертацион тадқиқотда мазкур мақсаддан келиб чиқиб қатор вазифалар қўйилган:**

- давлат молиясининг иқтисодий моҳияти ва аҳамиятини ўрганиш;
- хўжалик юритувчи субъектлар молиясининг давлат молиявий салоҳиятидаги ўрнини тадқиқ этиш;
- хўжалик юритувчи субъектларнинг давлат молияси билан ўзаро ҳамкорлигини ёритиш;

---

<sup>1</sup> Бош мақсадимиз – кенг кўламли ислохотлар ва модернизация йўлини қатъият билан давом эттириш. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг 2012 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ҳамда 2013 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси // “Халқ сўзи” газетаси, 2013 йил 19 январь.

- ЯИМ ўсишида хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини молиявий таҳлил этиш;
- хўжалик юритувчи субъектларнинг молиявий барқарорлигини оширишга қаратилган тадбирлар тизимини тадқиқ этиш;
- хорижий инвестициялар иштирокидаги хўжалик юритувчи субъектларни рағбатлантириш йўналишларини ўрганиш;
- хўжалик юритувчи субъектларнинг молиявий барқарорлигини ошириш масалаларини ёритиш.

**Диссертация ишининг объекти** бўлиб, хўжалик юритувчи субъектларнинг молиявий муносабатларига оид маълумотлар ҳисобланади.

**Тадқиқот ишининг предмети**, хўжалик юритувчи субъектлар молиясини самарали ташкил этиш ва ривожлантириш жараёнида юзага келадиган иқтисодий муносабатлар тизими ҳисобланади.

**Тадқиқотнинг назарий ва услубий асослари.** Диссертациянинг назарий асосларини Ўзбекистон Республикасининг Қонунлари, Президент Фармонлари, Вазирлар Маҳкамасининг Қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг асарлари ва хорижда ҳамда республикамізда таниқли олимларнинг илмий ишлари ташкил этади.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги.** Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида давлатнинг молиявий салоҳияти ва унинг хўжалик юритувчи субъектлар молияси билан ўзаро боғлиқлиги назарий ва амалий жиҳатдан асосли равишда ўрганилди ва шу асосда мавжуд муаммоларни бартараф этиш юзасидан тегишли илмий таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқилди. Жумладан:

- давлат молиясининг иқтисодий моҳияти ва аҳамияти ўрганилди;
- хўжалик юритувчи субъектлар молиясининг давлат молиявий салоҳиятидаги ўрни тадқиқ этилди;

- хўжалик юритувчи субъектларнинг давлат молияси билан ўзаро ҳамкорлиги ёритилди;
- ЯИМ ўсишида хўжалик юритувчи субъектлар фаолияти молиявий таҳлил этилди;
- хўжалик юритувчи субъектларнинг молиявий барқарорлигини оширишга қаратилган тадбирлар тизими аниқланди;
- хорижий инвестициялар иштирокидаги хўжалик юритувчи субъектларни рағбатлантириш йўналишлари ўрганилди;
- хўжалик юритувчи субъектларнинг молиявий барқарорлигини ошириш масалалари ёритилди.

**Диссертацион тадқиқотнинг амалий аҳамияти.** Ишда келтирилган илмий таклиф ва амалий тавсиялар мамлакатимизда, давлатнинг молиявий салоҳиятини оширишда хўжалик юритувчи субъектлар молиясини ривожлантириш билан боғлиқ амалий тадбирлар ишлаб чиқилишида муҳим аҳамият касб этади.

Тадқиқот иши материалларидан олий ўқув юртиларида “Давлат молиясини бошқариш, “Молия” ҳамда “Молиявий назорат” каби фанларни ўқитишда фойдаланиш мумкин.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Илмий иш таркиб жиҳатдан кириш, учта боб, хулосалар, фойдаланилган адабиётлар рўйхатини ташкил қилади.

## **I-боб. Хўжалик юритувчи субъектлар молиясини ташкил этишнинг умумназарий асослари.**

### **1.1. Давлат молиясининг иқтисодий моҳияти ва аҳамияти.**

Инсоният тарихидан маълумки, давлатларнинг пайдо бўлиши ва жамият аъзоларининг барчасига бирдек зарур бўлган умумий вазифаларни давлатнинг зиммасига туша бошлаши давлатнинг ихтиёрида маълум молиявий маблағлар бўлишини талаб қилган. Қадимда давлатнинг бошқарув аъзоларини эҳтиёжи учун солиқ тўловларининг шаклланиши ва уларни давлат эҳтиёжлари учун сарфланиши давлат молиясининг илк кўринишларини ўзида намоён қилди. Кейинчалик, инсоният тараккиёти, давлатларнинг шаклланиши ва ривожланиши оқибатида давлат молияси ҳам шаклланиб, такомиллашиб борди.

Давлат бюджети давлат молиясининг асосий бўғинини ташкил қилади. Бюджетнинг келиб чиқишини ана шу сабаб билан давлатнинг пайдо бўлиши билан боғлашади. Ижтимоий тузумларнинг ўзгариши, уларнинг ривожланиши ва инкирози, давлатларнинг шаклланиши ва ривожланиши, ўзаро урушлар ва низолар, табиий ходиса ва воқеаларга бой бўлган сайёрамиз тарихида бюджет ҳам турли хил кўринишларда, йўналишларда, турлича ёндашувлар асосида мавжуд бўлган ва ҳозирда ҳам мавжуд ҳамда ривожланиб бормокда.

Давлат молиясини бошқариш - жамият олдидаги улкан масъулият, шу сабабли бюджет-молия назорати бошқарувнинг зарурий элементи бўлиши шарт. Юқорида қайд қилинганидек назорат мақсади - қабул қилинган стандартлардан чекинишларни, қонунийлик тамойилларини бузишларни имкони бор қадар дастлабки босқичларда аниқлаш, моддий ва молиявий ресурсларни сарфлаш самарадорлигини ошириш ва тежаш бўйича тавсиялар беришдан иборатдир. Бу, ўз навбатида, тузатиш чоралари кўриш, айрим ҳолларда айбдорларни жазога тортиш, етказилган зарар учун товон пули

олиш ёки шундай қоида бузишларнинг олдини олиш (ёки камайтириш) учун тадбирлар белгилаш имконини беради<sup>2</sup>.

Мамлакат иқтисодиёти – мураккаб халқ хўжалик комплекси бўлиб, унинг барча соҳа ва тармоқлари ҳам бир текис ривожланмайди, чунки жамият эҳтиёжлари тез-тез ўзгарувчан бўлиб ишлаб чиқариш эса бу ўзгаларга мослашишга ҳаракат қилади. Бунинг натижасида иқтисодиётда айрим тармоқлар ривожланишининг илгарилаб кетиши, айрим соҳа ва тармоқлар эса орқада қолиши мумкин. Ана шу номуносибликларнинг бартараф этиш, бутун халқ хўжалиги комплексининг балансли ривожланишини таъминлаш иқтисодиётни бошқариш ва тартибга солиш орқали амалга оширилади. Бозор шароитида иқтисодиётни бошқариш ва тартибга солиш, аввало ўз-ўзини тартибга солиш ва бошқариш орқали амалга оширилади. Ўз-ўзини бошқариш:

- хўжалик юритувчи субъектларнинг эркинлигига;
- шерикларни ва улар билан бўладиган муносабатлар танлаш эркинлигига;
- ўз фаолияти усулидан мустақил фойдаланиш эркинлигига асосланади.

Ўз-ўзини бошқариш бозорнинг, шу жумладан молиявий бозорнинг амал қилиш билан таъминланади, лекин айрим ҳолларда ўз-ўзини бошқариш иқтисодиётни барқарорлаштиришга кучсизлик қилади ва иқтисодиётга давлатнинг аралашувини тақозо қилади. Молия тизимининг алоҳида соҳалар ва бўғинларга бўлиниши ЯИМни шакллантириш, тақсимлаш ва қайта тақсимлашда, даромадларни шакллантириш ва улардан фойдаланишда иқтисодий муносабатлар субъектларининг бир-бирларидан фарқли равишда иштирок этиши билан белгиланади. Молия тизимининг ҳар бир соҳаси ва бўғинига пул фондлари ва даромадларини шакллантириш ва улардан фойдаланишнинг ўзига хос бўлган шакллари ва методлари тегишлидир.

---

<sup>2</sup> Поляка Г.Б. Финансы. – М.: Юнити-Дана. 2008. – 46 стр.



Масалан, корхоналар молияси моддий ишлаб чиқаришга, ЯИМни яратишга, уни корхоналар ўртасида тақсимлашга ва ЯИМ бир қисмининг бюджет ва нобюджет фондларига қайта тақсимлашга хизмат қилади.<sup>3</sup>

Давлатнинг аралашуви қуйидагиларни ҳал қилиш учун зарур.

- йирик таркибий ўзгаришларни таъминлаш;
- иқтисодий ривожланишнинг самарали янги йўналишларини қўллаб-қувватлаш;
- ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилма объектларини ривожлантириш билан.

Давлатнинг молиявий усуллар ёрдамида иқтисодиётга аралашуви қуйидаги воситалар орқали амалга оширилади:

- давлат инвестициялари орқали;
- солиқлар орқали;
- бюджет сиёсати орқали;
- амортизация сиёсати орқали.

Бироқ, шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, давлатнинг иқтисодиётга аралашуви, айниқса, бозор шароитида маълум чегарага эга бўлиб, фақат қонун йўли билан амалга оширилиши керак.

Иқтисодиётни молиявий тартибга солишда молия тизимининг бўғин ва соҳалари:

- корхоналар молияси;
- суғурта ташкилотлари;
- давлат бюджети;
- бюджетдан ташқари фондлар иштирок этади.

Хўжалик ичидаги ва хўжаликлараро нисбатларни тартибга солишда асосан корхоналар молияси иштирок этади.

---

<sup>3</sup> Вахобов А., Маликов Т. Молия: умумназарий масалалар. – Т.: Иқтисод-молия. 2008. 110-111 бетлар.

Давлатнинг бюджети эса тармоқлараро, ҳудудлараро, нисбатларни тартибга солишни таъминлайди.

Молиявий тартибга солиш усуллари қуйидаги мақсадларга йўналтирилиши лозим:

1. Янги тадбиркорлик ва кичик бизнес субъектларини молиявий қўллаб-қувватлаш.
2. Солиққа тортишнинг эгилувчан муҳанизми орқали аҳоли қатламларининг ижтимоий ҳимоясини таъминлаш.
3. Суғурта турларини ривожлантириш орқали молиявий тангликка тушиш эҳтимолларини камайтириш.
4. Турли молиявий фондлар (инвестиция фонди, Пенсия фонди)ни ташкил этиш орқали турли ижтимоий эҳтиёжларни қондириш.
5. Солиқ имтиёзлари, санкциялари механизми орқали моддий бойликларни ишлаб чиқариш ва истеъмолини тартибга солиш.
6. Давлат харажатларини, давлат инвестициялари орқали илғор технологиялар, фан ютуқларини жорий қилишни таъминлаш.
7. Амортизация сиёсати орқали корхона молиявий ресурсларини жамғаршга, улар асосий натижаларининг янгилаш даражасига таъсир кўрсатиш.

Давлат ҳар қандай ўзининг вазифалари бўйича аниқ мақсадларга эришиш учун молиядан фойдаланади. Ўрнатилган мақсадларни амалга оширишда молиявий сиёсат муҳим рол уйнайди. Молиявий сиёсатни ишлаб чиқиш ва уни амалда қўллаш жараёнида ўрнатилган вазифаларни амалга ошириш шарт шароитлари таъминланади. Улар иқтисодий манфаатга таъсир қилишнинг фаол қуроли сифатида иштирок этади. Молиявий сиёсат кўп қирралидир. У қуйидаги муҳим бўғинларни ўз ичига олади:

Молиянинг ривожланишини илмий асосланган контсептсияларини ишлаб чиқиш. У асосан иқтисодий қонунлар талабларини ўрганиш,

хўжаликнинг ривожланиш ҳолатини ҳар томонланма комплекс таҳлил қилиш, ишлаб чиқариш кучлари ва ишлаб чиқариш муносабатларини, аҳоли эҳтиёжларини ривожланиш ициқболларини таҳлил қилиш жараёнларини ўз ичига олади.

Ициқболдаги ва жорий даврда молиядан фойдаланишнинг асосий йўналишларини аниқлаш. Бунда халқаро омиллар, молиявий ресурсларни ўсиш имкониятларини ҳисобга олинган ҳолдаги иқтисодий сиёсатда кўзда тутилувчи ўрнатилган мақсадларга эришиш йўлларида келиб чиқади.

Амалий фаолиятларни мувофиқлаштириш. Бунда ўрнатилган мақсадларга эришишга йўналтирилган амалий фаолиятларни ташкилий асослари кўзда тутилади.

Юқоридаги 3 бўғинларнинг яхлитлиги молиявий сиёсатни мазмунини аниқлаб беради. Ициқболсиз молиявий сиёсат молиянинг ривожланишини асосий контсептсияларини тўлақонли равишда мукаммалаштирмаслик оқибатлари ҳисобланади.

Давлатнинг молия сиёсати билан жамиятни иқтисодий фаолияти ўртасида муҳим ўзаро боғлиқлик мавжуд.

Бир томондан, молиявий сиёсат иқтисодий муносабатлар маҳсули бўлиб, жамиятнинг ижтимоий-иқтисодий сиёсатини ишлаб чиқишда ва амалга оширишда эркин эмас, яъни молиявий сиёсат мамлакат иқтисодиётига бевосита боғлиқдир.

Иккинчи томондан, молиявий сиёсат мамлакатнинг иқтисодий базисидан келиб чиққан ва ривожланган ҳолда маълум бир муцақилликка эга, ҳамда ўзига хос қонуниятлар ва ривожланиш мантиғига эга.

Ушбуларга асосланган ҳолда молиявий сиёсат давлат иқтисодиётига ва молиявий ҳолатига тескари таъсир этади. Бу таъсир турлича бўлиши мумкин;

Баъзи ҳолларда сиёсий чора тадбирлар ўтказиш воситасида иқтисодиётни ривожланиши учун қулай шарт шароитлар ва имкониятлар яратилади.

Баъзи ҳолларда сиёсий чора тадбирлар ўтказиш воситасида иқтисодиётни орқага кетиши учун шарт шароитлар вужудга келтириши мумкин.

### 1.1.1-расм

#### Иқтисодиётни давлат томонидан тартибга солиш усуллари ташкилий чизмаси



Манба: Э.Гадоев ва бошқалар. Молия. Ўқув қўлланма.- Т.: Адабиёт жамғармаси, 2005 йил.

Молиявий сиёсат-давлатнинг ўзига тегишли функцияларини бажариши учун молиявий муносабатлардан фойдаланиш бўйича давлат тадбирларининг мажмуасидир.

Молиявий сиёсат- давлатнинг тегишли функцияларини бажариши учун ЯИМни тақсимланиш жараёнидаги пул фондларини шакллантириш ва ундан фойдаланиш билан боғлиқ тадбирлари режаларини амалга ошириш курси ҳисобланади. Молиявий сиёсат қуйидагиларни ўз ичига қамраб олади

Хўжалик юритишни жаҳон тажрибаси шуни кўрсатадики, жамиятнинг иқтисодий ва ижтимоий ривожланиши молиявий сиёсатни таъсир этиш даражасини ўсишига олиб келади.

Иқтисодиётда хўжалик тармоқларини турли даражада ривожланиши, хўжаликлараро ва ҳудудлараро иқтисодий алоқаларни қийинлашуви халқ хўжалиги тармоқлари ва ҳудудларни бир-бирига боғлиқ ҳолда ва яқин даражада иқтисодий-ижтимоий ривожланишини давлат томонидан таъминланишини талаб этади. Шунинг учун ҳам давлат томонидан молиявий тартибга солиб туриш муҳим аҳамиятга эгадир.

Давлатнинг иқтисодий жиҳатдан қанчалик куч қудрати ошса, шунчалик молиявий ресурсларни мужжассамлашга имкон беради, бу эса ўз навбатида иқтисодий конюктурага фаол таъсир кўрсатишга имкон беради.

Иқтисодий қарорлар, жамиятнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш қонунлари мантиғи асосида, кўзда тутилган молиявий тадбирлар оқибатларини илмий асосланган ҳолда ва уларни иқтисодий ривожланиш қонуниятларига мос ҳолда шакллантириш жамиятнинг тараққиёти асосини ташкил қилади. Бу ўз навбатида молиявий сиёсатда тез тез учрайдиган ва илгаридан кўзда тутилиши қийин бўлган ўзгартиришларни олдини олишга имконият яратади.

Давлатнинг молиявий сиёсати макроиқтисодий сиёсатнинг бош элементларидан бири ҳисобланади. Ҳозирги шароитда Ўзбекистон Республикасида амалга оширилаётган молиявий сиёсат ислохотларнинг ўтиш давридаги молиявий иқтисодий инқирозлар оқибатларини тугатиш ва мамлакатдаги барқарор иқтисодий ўсишни таъминлашга йўналтирилгандир. Чунончи, иқтисодиётнинг барча соҳаларида либерал режимни шакллантириш ва уни ривожланишини кўзда тутувчи иқтисодиётни эркинлаштириш масалалари молиявий сиёсатнинг марказида турмоқда.

Молиявий сиёсат қуйидаги йўналишларни ўз ичига олади:

- солиқ сиёсати;
- бюджет сиёсати;
- пул кредит сиёсати;
- институционал ислохотлар;
- инвестиция сиёсати.

Молиявий сиёсатни реализация қилиш учун қуйидагилар зарур ҳисобланади:

- Ижтимоий танглик камайтирилиши лозим.
- давлат молиясини соғломлаштириш лозим;
- банк тизимини меъёргадаги ишлаши имкониятларини шакллантириш лозим;
- товар ва пул оқимларини тенглаштириш лозим;
- ҳудудларнинг молиявий иқтисодий муцақиллигини ягона бошқарув тизими ичида оқилонга таъминлаш ва шу кабилар.

Охирги вақтларда молиявий сиёсатни амалга ошириш ва иқтисодиётни молиявий тартибга солиш масалалари бўйича сезиларли тадқиқот олиб борилмоқда. Аммо бу соҳа бўйича ягона назарий фикрлар, ёндашувлар мавжуд эмас.

Ривожланган мамлакатларнинг иқтисодчи олимлари молиявий сиёсатини иқтисодий сиёсатдан муцақил равишда ажратиб кўрсатмайдилар. Улар молиявий сиёсатга фискал сиёсатнинг мазмуни воситасидаги аниқлик берадилар. Уларнинг таъкидлашларича молиявий сиёсат- давлатнинг харажатлари ва даромадларига нисбатан қарор қабул қилиш жараёни сифатида қарайдилар.

## **1.2. Хўжалик юритувчи субъектлар молиясининг давлат молиявий салоҳиятидаги ўрни.**

Давлатнинг молиявий салоҳияти бозор иқтисодиёти субъектлари ва аҳолининг пул даромадлари ва жамғармалари асосида шаклланиб, ўзаро боғланган қуйидаги бўғинлардан ташкил топади:

- республика ва маҳаллий бюджетлар, давлат нобюджет фондлари бюджетлари; давлат кредитлаштириш ресурслари; давлат (унитар) хўжалик юритувчи субъектлари ва давлатнинг иштирокидаги хўжалик юритувчи субъектлар молияси. Давлатнинг молиявий салоҳияти таркибига асосий фондлар, тугалланмаган ишлаб чиқариш, моддий айланма маблағлар, уй-рўзгор мулклари, номоддий активлар қиймати – инсон капитали кирадиган моддий капитал кўринишидаги миллий бойлик ҳажми (ўлчами)ни киритиш мумкин;

- хусусий хўжалик юритувчи субъектлар молиявий салоҳияти. У айланмадан ташқари активлар ва айланма активларининг йиғиндисидан ташкил топади. Бу ерда айланмадан ташқари активлар номоддий активлар, асосий воситалар, тугалланмаган ишлаб чиқариш, моддий бойликларга даромадли қўйилмалар, узоқ муддатли молиявий қўйилмалар, айланмадан ташқаридаги бошқа активлардан иборат. Шунингдек, бу ерда айланма активларнинг таркибига захиралар, дебиторлик қарзлари, қисқа муддатли молиявий қўйилмалар, пул маблағлари ва бошқа айланма активлар киради. Хўжалик юритувчи субъектларнинг молиявий салоҳияти уларнинг янги қиймат яратишдаги қобилиятига боғлиқ. Бир хил молиявий-иқтисодий қудратга эга бўлган хўжалик юритувчи субъектлар бир-биридан тубдан фарқ қилувчи молиявий натижаларга еришиши мумкин. Бу мол-мулкдан, ишлаб чиқариш-технологик жараёнлар ва кадрларни бошқариш самарадорлигига, менежмент малакасига, тадбиркорликнинг натижалилигига, молиявий ресурслар ва ташқи қарзлардан оқилона фойдаланишга боғлиқ бўлади;

- банк-кредит тизимининг молиявий салоҳияти – кредит ресурсларига бўлган иқтисодиётнинг еҳтиёжларини қондириш бўйича кредит

ташкilotлари активлари ва реал имкониятларининг йиғиндиси. Жуда кўпчилик мамлакатларнинг банк-кредит тизими ҳозирги пайтда кенгайтирилган такрор ишлаб чиқариш жараёнини кредит ресурслари билан таъминлаш имкониятига эга эмас. Хўжалик юритувчи субъектларга тақдим этилаётган кредит ресурслари, асосан, қисқа муддатли характерга ега. Асосий капитални шакллантиришдаги кредитларнинг салмоғи иқтисодиёт самарадорлигининг ўсиши учун етарли эмас;


- суғурта фондларининг молиявий салоҳияти. Бу салоҳият тадбиркорлик рискларини пасайтирадиган ва жамғармалар ҳамда инвестициялар ўсишини таъминлайдиган пул суғурта ресурсларини шакллантириш бўйича суғуртавий молиявий-иқтисодий имкониятлар йиғиндисининг амалга оширилиши орқали намоён бўлади;

- уй хўжаликларининг молиявий салоҳияти. Бу салоҳият уларнинг жами даромадлари, солиқ, рента ва фоиз тўловлари, инвестицион талабнинг ўсишига истеъмол ва жамғаришнинг таъсири орқали ифодаланади.

Ҳозирги пайтда жуда кўп мамлакатларда аҳолининг жамғар-малари, хўжалик юритувчи субъектлар ва ташкilotларнинг жамғармалари сингари кенгай-тирилган такрор ишлаб чиқариш мақсадлари учун тўлиқ фойдаланилмаяпти.

Мамлакат молиявий ва инвестицион тизимининг асосини иқтисодиёт реал сектори молияси ташкил этади. Моддий бойлик ишлаб чиқариш соҳасида ишлаб чиқариш самарадорлигига катта таъсир кўрсатувчи молиявий муносабатлар шаклланади.





**1.2.1-расм. Давлатнинг молиявий салоҳияти ва унинг хўжалик юритувчи субъектлар молияси билан ўзаро боғлиқлиги<sup>4</sup>**

Хўжалик юритувчи субъектларнинг молиявий ресурслари улар томонидан олинади-ган пул даромадлари ва ишлаб чиқариш ресурслари иқтисодий доиравий айланиши самарадорлигининг ўсишига хизмат

<sup>4</sup> Маликов Т.С. Молия: хўжалик юритувчи субъектлар молияси (ўқув қўлланма). – Тошкент, 2009. – 296 бет.

киладиган, кенгайтирилган такрор ишлаб чиқаришни молиялаштириш жараёнини амалга оширишга ёрдам берадиган ва уларнинг ихтиёрида бўлган қарз маблағлари асосида ташкил топади.

Ҳозирги вақтда капитал қўйилмаларни молиялаштиришда хўжалик юритувчи субъектлар ўз маблағларининг (соф фойда ва амортизация) салмоғи муҳим аҳамиятга ега. бунда амортизация ажратмаларини шакллан-тириш ва улардан самарали фойдаланиш алоҳида ўрин тутди.

ЯИМ ва МДни қайта (иккиламчи) тақсимлаш давлат ва хўжалик юритувчи субъектлар ўртасидаги молиявий муносабатлар доирасида содир бўлади. Ана шу даражада хўжалик юритувчи субъектлар ва аҳолининг бирламчи даромадлари бир қисмини тўғри (бевосита) ва егри (билвосита) солиқли унди-риш йўли билан, шунингдек, давлат кредитлаштириши ҳисобидан мамлакатнинг давлат молияси ташкил топади (шаклланади).

Хўжалик юритувчи субъектлар пул ресурсларини, уй хўжаликлари даромадларини иккиламчи қайта тақсимлаш кредит-банк соҳаси ва суғурта тизими орқали ҳам амалга оширилади. Булар депозитли, векселли, пулли ва банкларнинг бошқа жамғарма операциялари, улар томонидан юридик шахслар ва аҳолига узоқ, ўрта ва қисқа муддатли кредитлар ва ссудалар бериш, турли рискларни суғурта қилиш шаклларида содир бўлади.

Кўп даражали бюджет тизими ва нобюджет фондлар фаолиятидаги қайта тақсимлаш жараёнларини такомиллаштириш молиявий салоҳиятни янада кучайтириш ва давлат молиявий ресурслари ўсишининг қуйидаги йўналишлари билан узвий боғланган:

- бюджет-солиқ соҳасидаги даромадларни қайта тақсимлаш-нинг самарадорлигини ошириш. Бу нарса давлат томонидан таъсир-чан фискал сиёсатни ҳаётга татбиқ этиш билан боғлиқки, бу сиё-сат, ўз навбатида, ишлаб чиқаришнинг ўсиши ва хўжалик юритувчи субъектларнинг инвестицияларга

йўналтириладиган молиявий ресурсларининг ўси-ши рағбатлантирилишини кўзда тутмоғи керак;

- банк-кредит сектори орқали пул ресурсларининг қайта тақсимланишини оптималлаштириш. Бунинг энг асосий иқтисодий инструментлари ва механизмлари қуйидагилар ҳисобланиши мум-кин: кредит сиёсати; узоқ, ўрта ва қисқа муддатли кредитлар ҳажм-ларининг нисбати; Марказий банкнинг ҳисоб ставкаси; ссуда ва депозит фоизларининг ставкаси; қимматли қоғозлар бозори. Иқти-содиётда бу инструмент ва механизмлардан фойдаланган ҳолда давлат томонидан маълум бир мақсадга йўналтирилган тарзда тартибга солиш давлат, хўжалик юритувчи субъектларнинг инвестицион имкониятлари чегараларини кенгайтиради, аҳолининг пулли жамғармаларини ин-вестицияларга жалб қилади;

- янги самарали иқтисодиётни – интеллектуал инфраструк-туранинг юқори суръатларда ривожланиши фарқланувчи белгиси бўлган билимлар иқтисодиётини шакллантирадиган хўжалик юритувчи субъектларнинг илдам ривожланиши. Мамлакат рақобатбардош иқтисодиётининг ядросини юқори қўшилган қиймат ва юқори даражада қайта иш-ланадиган маҳсулотлар ишлаб чиқарадиган янги тармоқлар ташкил етмоғи лозим. Иқтисодиёт таркибий тузилишида хом ашё-энергия секторининг ҳукмронлик қилиши, ёқилғи-энергетика комплекси-нинг саноат ишлаб чиқаришида, консолидациялаштирилган ва рес-публика бюджети даромадларида, экспортда ва валюта тушум-ларида нисбатан катта салмоқнинг егаллаши иқтисодиётнинг шу томонга деформациялашганлигидан далолат беради. Миллий хўжа-ликнинг бундай таркибий номувофиқлиги иқтисодиётни қолоқлик сари етаклайди, уни модернизация қилиш вазифаларини мураккаб-лаштиради. Шу муносабат билан хом ашё тармоқларидан юқори технологияли ишлаб чиқаришга капиталнинг оқиб ўтишини таъ-минловчи самарали механизмларни ишлаб чиқиш муаммоси дол-зарблик касб етиб, бу

нарсa охир-оқибатда, давлатнинг молиявий салоҳиятини юқори даражага кўтаради.

- Хўжалик юритувчи субъектлар молиявий салоҳиятининг даражаси уларнинг са-марали инвестицион-тадбиркорлик фаоллигига боғлиқ. Замонавий ўзгарувчан (динамик) иқтисодий муҳит хорижий капитални кўшган ҳолда ўз ва жалб қилинган инвестицион манбалар асосида ишлаб чиқаришни доимий равишда илмий-техникавий жиҳатдан янгилаш-ни ва ривожлантиришни талаб қилади.

Ҳозирги пайтда ишлаб чиқариш компанияларининг молиявий барқарорлиги ва рақобатбардошлигини таъминлашнинг ўзига хос омили уларнинг йирик тадбиркорлик тизимларига (молия-саноат гуруҳлари, концернлар, конгломератлар, холдинглар, концорциум-лар ва бошқалар) бирлашиши ҳисобланади. Банк ва саноат капита-лининг реал қўшилиши ва таъсирчан молиявий капиталнинг шакл-ланиши содир бўлмоқда. Буларнинг натижасида ишлаб чиқариш масштабларининг ўсишидан вужудга келган самара, иқтисодиёт таркибий тузилмаларининг ўзаро таъсирчанлиги ва инвестициялар-нинг ўсишидан олинган синергетик самара компанияларга йирик масштаби молиявий вазифаларни ечишга имкон бермоқда.

### **1.3. Хўжалик юритувчи субъектларни давлат молияси билан ўзаро ҳамкорлиги.**

Ўзбекистон иқтисодиётини барқарор суръатларда ривожлантириш омилларидан бири хўжалик юритувчи субъектлар тараққиётини таъминлаш ҳисобланади. Ушбу соҳа бозор конъюнктураси ўзгаришларига тез мослаша олиш, янги иш ўринларини яратиш орқали аҳоли бандлигини таъминлаш ва даромад манбаларини яратиш, ўрта мулкдорлар синфини шакллантириш каби хусусиятларга эгаллиги билан ажралиб туради.

Мамлакатимизда хўжалик юритувчи субъектлар фаолияти давлат томонидан мунтазам равишда назорат қилинади.

Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини давлат томонидан назорат қилиш қуйидаги йўллар билан амалга оширилади:

- текшириш, шу жумладан тафтиш, муқобил текшириш, назорат тартибда текшириш;
- статистика ахборотларини ва бошқа ахборотларни таҳлил қилиш;
- идора қарамоғидаги органларни текширишдан ўтказиш.

Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини статистика ахборотларини ва бошқа ахборотларни таҳлил қилиш орқали давлат томонидан назорат қилиш, шунингдек идора қарамоғидаги органларни текширишдан ўтказиш қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилади.

Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини давлат томонидан назорат қилишнинг асосий принциплари қуйидагилардан иборат:

- назорат қилувчи органлар фаолиятида қонунийлик, холислик ва ошкоралик;
- юридик ва жисмоний шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш;
- хўжалик юритувчи субъектларнинг фаолиятига аралашмаслик.

Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини текшириш назорат қилувчи органларнинг мансабдор шахслари томонидан амалга оширилади. Назорат қилувчи органларнинг мансабдор шахслари Қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда аттестациядан ўтказилишлари лозим.

Махсус ваколатли органнинг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат:

- хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини текшириш масалалари бўйича назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштириш;

- хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини текширишнинг, шу жумладан комплекс текширувлар ҳамда тафтишларнинг назорат қилувчи органлар бир-бирининг ишини такрорлашига йўл қўймайдиган мувофиқлаштирувчи режаларини ишлаб чиқиш;

- назорат қилувчи органларнинг текширувлар ўтказишнинг мувофиқлаштирувчи режаларига риоя қилишини назорат қилиш ҳамда режадан ташқари текширувлар махсус ваколатли орган билан келишмай ўтказилишига йўл қўймаслик.

Текширилаётган хўжалик юритувчи субъектлар қуйидаги ҳуқуқларга эга:

- ўз фаолиятлари текширилиши тўғрисидаги тегишли ахборотга эга бўлиш;

- назорат қилувчи органларнинг текширувчи мансабдор шахсларидан махсус ваколатли орган ёки унинг ҳудудий бўлинмалари қарорини, текшириш ўтказиш учун асос ҳисобланувчи бошқа ҳужжатларни талаб қилиш, текширувчиларнинг шахсини тасдиқловчи ҳужжатлар билан танишиш;

- текшириш ўтказиш учун асосга эга бўлмаган шахсларнинг текшириш ўтказишига йўл қўймаслик;

- назорат қилувчи органларнинг текширувчи мансабдор шахсларининг ваколатига кирмайдиган масалаларга оид талабларни бажармаслик ва текшириш предметига тааллуқли бўлмаган материаллар билан уларни таништирмаслик;

- назорат қилувчи органларнинг текширувчи мансабдор шахсларидан текшириш тугаган куни текшириш натижалари тўғрисидаги далолатноманинг (маълумотноманинг) бир нусхасини олиш.

Бугунги кунда юртимизда хўжалик юритувчи субъектлар ривожига берилаётган эътибор, хусусан, яратилаётган солиқ имтиёзлари ва преференциялар соҳанинг раванг топишида, унинг иқтисодиётдаги улушининг кўпайишида намоён бўлмоқда. 2005 йилдан бошлаб амалда бўлган, соддалаштирилган тартибдаги ягона солиқ тўлови тадбиркорларга катта қулайликлар яратди. Агар ягона солиқ тўловининг аввалги тартиби бўйича 1996 йилда солиқ ставкаси 38 фоизни ташкил қилган бўлса, 2011 йилга келиб ягона солиқ тўлови 6 фоизни ташкил қилди ёки 1996 йилга нисбатан 6,3 марта қисқарди. 2012 йилдан эса саноат соҳасидаги корхоналар учун ягона солиқ тўлови ставкаси 5 фоизни ташкил қилди. Ягона солиқ тўлови ставкасининг бу қадар туширилиши корхоналар томонидан олинадиган фойда миқдорини сезиларли равишда оширди. Бунга биргина мисол, 2011 йилда микрофирма ва кичик корхоналар учун ягона солиқ тўлови ставкасининг 7 фоиздан 6 фоизга камайтирилиши натижасида қарийб 80 миллиард 300 миллион сўм маблағ корхоналарнинг ўзида қолди. Бу эса ушбу маблағни биринчи навбатда ишлаб чиқаришни технологик янгилаш ва замонавий техникани жорий этишга йўналтириш имконини берди. Шу билан бир қаторда корхоналар фойдасини ҳам оширди<sup>5</sup>.

2012 йилда солиқ юкини камайтириш сиёсати давом эттирилди. Кичик корхона ва микрофирмалар учун ягона солиқ тўлови ставкалари 6 фоиздан 5 фоизга туширилгани, якка тартибдаги тадбиркорлар учун белгиланган солиқ ставкаси эса сезиларли тарзда, яъни ўртача икки баробар камайтирилгани буни яққол тасдиқлайди.

Президентимиз ташаббуси билан мамлакатимизда ишбилармонлик муҳитини тубдан яхшилаш, хўжалик юритувчи субъектларга қулай имконият

---

<sup>5</sup>Хайдаров А. Ўзбекистонда солиқ ислохотлари // Газета “Биржа”, №70(1481) 2012 йил 16 июнь - <http://www.idbirja.uz/ru/gazeta-birja/3353-ozbkistonda-soliq-islohotlari>

ва шарт-шароитлар яратиш, солиқ юкини пасайтириш ва солиқ маъмурчилигини такомиллаштиришга катта эътибор қаратилмоқда.

2012 йилда хўжалик юритувчи субъекларнинг тадбиркорлик фаолиятида эркин иштирок этиши, уларнинг ҳуқуқий ҳимоясини таъминлаш, ортиқча оворагарчиликларнинг олдини олиш, лицензия ва рухсат бериш тартиб-таомилларини қисқартириш ҳамда соддалаштириш, ҳисобот тизимини ва ҳисоботларни тақдим этиш тартибини такомиллаштириш, ишбилармонлик муҳитини тубдан яхшилаш борасида бир қатор қонунлар, Президентимизнинг фармон ва қарорлари қабул қилинди. Ушбу қонун ва қонун ости ҳужжатларининг қабул қилиниши орқали солиқ тўловчилар зиммасидаги солиқ юкининг камайишига эришилди. Ўзбекистонда солиқ юки бундан ўн йил олдин ЯИМга нисбатан (мақсадли жамғармаларни ҳисобга олмаган ҳолда) 27,9 фоизни ташкил этган бўлса, 2012 йилда эса 6,3 пунктга камайди ва ЯИМга нисбатан 21,6 фоизни ташкил этди. 2013 йилда эса солиқ юкининг умумий даражасини яна 0,3 пунктга камайтириш, яъни 21,3 фоизга тушириш чора-тадбирлари кўрилмоқда. Дунёнинг ривожланган ва бошқа бир қатор давлатларида шу борада эришилган натижаларга эътибор берадиган бўлсак, юртимизда олиб борилаётган солиқ сиёсати ҳар томонлама маъқул ва қулай сиёсат эканини англаш қийин эмас.



### 1.3.1-жадвал

#### Дунёнинг айрим давлатларида солиқ юкининг ўртача даражаси, фоизда<sup>6</sup>

| Давлатлар ва уюшмалар номи    | Солиқ юкининг ўртача даражаси, фоизда | Ўзбекистондаги солиқ юкининг бошқа давлатлардаги ҳолат билан қиёсий даражаси |
|-------------------------------|---------------------------------------|------------------------------------------------------------------------------|
| АҚШ                           | 32,3                                  | 1,5 марта паст                                                               |
| Европа Иттифоқи давлатлари    | 42,6                                  | 2,0 марта паст                                                               |
| Лотин Америкаси давлатлари    | 47,2                                  | 2,2 марта паст                                                               |
| ИХТга аъзо давлатлар          | 35,9                                  | 1,7 марта паст                                                               |
| Жанубий Осиё давлатлари       | 40,2                                  | 1,9 марта паст                                                               |
| Шарқий Осиё давлатлари        | 34,5                                  | 1,6 марта паст                                                               |
| Марказий Осиё давлатлари      | 40,5                                  | 1,9 марта паст                                                               |
| Россия Федерацияси            | 34,1                                  | 1,6 марта паст                                                               |
| МДХга аъзо давлатлар          | 25,2                                  | 1,2 марта паст                                                               |
| Дунё давлатлари бўйича ўртача | 44,7                                  | 2,1 марта паст                                                               |
| Ўзбекистон                    | 21,6                                  | х                                                                            |

Жадвалдан кўринадикки, мамлакатимизда солиқ юки дунё бўйича ҳамда Европа Иттифоқи давлатлари, Лотин Америкаси давлатларидаги ўртача даражадан 2,1 марта паст кўрсаткичга эга. Шунингдек, МДХга аъзо давлатлардаги ўртача солиқ юкининг ҳам нисбатан паст эканида юртимиздаги солиқ юки даражасининг таъсирикатта. Чунки, Россияда бу кўрсаткич 34,1 фоизни, Белоруссияда 27,6 фоизни, Украинада 25,3 фоизни ташкил этади<sup>7</sup>.

Солиқ имтиёзларидан фойдаланиш учун корхоналарга қўйилган талабларга ҳам бир қатор ўзгартишлар киритилди. Масалан, илгари мазкур корхоналарни ортиқча ишчи кучи кўп бўлган минтақалар ҳисобланган Қорақалпоғистон Республикаси, Жиззах, Қашқадарё, Сирдарё, Сурхондарё, Хоразм вилоятларида, шунингдек Навоий, Андижон, Наманган ва Фарғона вилоятларининг қишлоқ аҳоли пунктларида жойлаштириш талаб этилар эди.

<sup>6</sup> [www.worldtax.org](http://www.worldtax.org), [www.worldwide-tax.com](http://www.worldwide-tax.com), [www.taxworld.org](http://www.taxworld.org) интернет сайтлари маълумотлари

<sup>7</sup> [www.worldtax.org](http://www.worldtax.org)

Эндиликда эса, Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятидан ташқари барча ҳудудларда бундай корхоналарни ташкил этиш мумкин. Шунингдек, имтиёздан фойдаланиш учун аввал корхонанинг устав капиталида хорижий иштирокчиларнинг улуши камида 50 фоизни ташкил этиши лозим эди, энди бу кўрсаткич 33 фоиз этиб белгиланди.

Бундан ташқари, илгари мазкур имтиёзларни қўллаш муддати давомида имтиёзлардан олинган даромадни тўлиқ корхонани янада ривожлантириш мақсадида қайта инвестициялашга йўналтириш лозим эди, эндиликда ана шу даромаднинг фақат 50 фоизи ушбу мақсадга сарфланиши, қолган қисми эса ихтиёрий равишда тасарруф этилиши мумкин.

Мамлакатимизда ишлаб чиқаруви корхоналарнинг экспорт салоҳиятини янада оширишни рағбатлантириш кўлами янада оширилди. Шу борада Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 26 мартдаги “Экспорт қилувчи корхоналарни рағбатлантиришни кучайтириш ва рақобатбардош маҳсулотларни экспортга етказиб беришни кенгайтириш борасида қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-1731-сонли Қарори қабул қилиниб, унга мувофиқ микрофирма ва кичик корхоналарга сифатни бошқариш тизимларини жорий этиш, маҳсулотларнинг халқаро стандартларга мувофиқлигини сертификациядан ўтказиш, шунингдек, лаборатория тестлари ва синовларини ўтказиш комплексларини харид қилишга йўналтириладиган маблағлар учун янги технологик ускуналарни сотиб олишда назарда тутилган ягона солиқ тўлови бўйича солиқ солинадиган базани камайтириш ҳуқуқи берилди.

### 1.3.2-жадвал

#### Дунёнинг айрим давлатларида корхоналардан олинадиган фойда ва жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи ставкалари<sup>8</sup>

| Давлатлар     | Корхоналардан олинадиган фойда солиғи ставкалари, фоизда | Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи энг юқори ставкалари, фоизда |
|---------------|----------------------------------------------------------|----------------------------------------------------------------------------|
| АҚШ           | 35                                                       | 35                                                                         |
| Буюк Британия | 28                                                       | 50                                                                         |
| Германия      | 15                                                       | 45                                                                         |
| Франция       | 33,3                                                     | 41                                                                         |
| Греция        | 20                                                       | 45                                                                         |
| Ҳиндистон     | 20                                                       | 30                                                                         |
| Португалия    | 25                                                       | 30                                                                         |
| Норвегия      | 28                                                       | 25                                                                         |
| Испания       | 30                                                       | 21                                                                         |
| Голландия     | 25                                                       | 15                                                                         |
| Швеция        | 26                                                       | 30                                                                         |
| Австрия       | 25                                                       | 25                                                                         |
| Дания         | 25                                                       | 27                                                                         |
| Япония        | 25,5                                                     | 20                                                                         |
| Жанубий Корея | 22                                                       | 20                                                                         |
| Туркия        | 20                                                       | 15                                                                         |
| Белгия        | 34                                                       | 25                                                                         |
| Италия        | 27,7                                                     | 43                                                                         |
| Люксембург    | 21                                                       | 15                                                                         |
| Бразилия      | 15                                                       | 25                                                                         |

Корхоналарнинг фойдасидан олинадиган солиқ ставкасини Ўзбекистондаги даража билан солиштирадиган бўлсак, мамлакатимизда амалда бўлган фойда солиғи ставкаси (9 фоиз) жадвалда келтирилган 20 давлатга нисбатан бир неча марта камлигини кўрамыз. Шунингдек, жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи энг юқори ставкалари бўйича ҳам мамлакатимиздаги солиқ ставкаси (энг юқори табақалаштирилган 22 фоиз) аксарият давлатларнинг солиқ ставкасига нисбатан анча паст. Дунёнинг АҚШ, Франция, Греция, Италия каби ривожланган давлатларида 2013 йилда

<sup>8</sup>Манба: [www.worldwide-tax.com](http://www.worldwide-tax.com)

жисмоний шахсларнинг даромадларига солинадиган солиқ ставкаси анча оширилган бир шароитда юртимизда ушбу солиқ тури бўйича солиқ ставкасининг энг қуйи босқичи 1 фоизга камайтирилди).

хўжалик юритувчи субъекларни молия-кредит механизмлари орқали қўллаб-қўвватлашнинг ўтган 2012 йилдаги муҳим йўналишларидан бири сифатида уларнинг фаолияти бўйича солиқ ва бошқа соҳадаги текширувлар қисқартирилган ҳамда улар учун солиқ ва бошқа турдаги ҳисоботларни топшириш тартиб-таомиллари соддлаштирилгани эътироф этилади.

Бу борадаги муҳим тадбирлардан бири Президентимизнинг 2012 йил 16 июлдаги «Статистик, солиқ, молиявий ҳисоботларни, лицензияланадиган фаолият турларини ва рухсат бериш тартиб-таомилларини тубдан қисқартириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-4453-сонли ва 2012 йил 18 июлдаги «Ишбилармонлик муҳитини янада тубдан яхшилаш ва тадбиркорликка янада кенг эркинлик бериш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-4455-сонли Фармонлари билан солиқ ҳисоботлари сонининг қисқатирилгани, уларни топшириш даврийлиги узайтирилгани ҳамда турли хил йиғимларнинг бекор қилингани ёки камайтирилганини таъкидлаш лозим.

Юқоридаги фикр-мулоҳазалардан хулоса қилиш мумкинки, кейинги йилларда глобал жаҳон иқтисодиётида ҳали-бери сақланиб қолаётган жиддий муаммоларга қарамасдан, Ўзбекистонда олиб борилаётган самарали иқтисодий сиёсат ҳамда халқимизнинг фидокорона меҳнати эвазига жуда катта ижобий натижалар қўлга киритилмоқда, иқтисодиётимизда жиддий таркибий ва сифат ўзгаришларига эришилмоқда. Буларнинг барчаси пировардида халқимиз турмуш фаровонлигининг ўсишига, мамлакатимизнинг жаҳон ҳамжамиятидаги ўз ўрни ва мавқеининг тобора ортиб боришига мустаҳкам замин яратмоқда.

Хулоса ўрнида таъкидлаш лозимки, мамлакатимизда хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини ривожлантиришга қаратилган иқтисодий

ислохотларни амалга оширилиши натижасида улар томмонидан маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳажми ошмоқда ва энг муҳими янги иш ўринларининг яратилишига эришилмоқда. Мазкур ҳолат ўз навбатида мамлакатимиз молия тизими салоҳияти ошишига ижобий таъсир кўрсатмоқда.

## **II-боб. Давлат молиявий салоҳиятини оширишда хўжалик юритувчи субъектлар фаолияти иқтисодий таҳлили.**

### **2.1. ЯИМ ўсишида хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг молиявий таҳлили.**

Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида мамлакатимизда фаолият юритаётган хўжалик юритувчи субъектларнинг ишлаб чиқариш фаолиятини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Мазкур ҳолат, мамлакатимизда яратилган ЯИМ ҳажми ортишида уларнинг ҳиссасини ошишига ижобий таъсир кўрсатмоқда. Хусусан, 2012 йилда Ўзбекистонда 96,6 трлн. сўмлик ЯИМ ишлаб чиқарилиб, унинг реал ўсиши 2011 йилга нисбатан 8,2 фоизни ташкил қилди.

Иқтисодиётнинг юқори ўсиш суръатлари:

- иқтисодиётни изчил ислоҳ этиш, таркибий жиҳатдан ўзгартириш ва диверсификация қилиш бўйича тегишли чора-тадбирларнинг амалга оширилаётганлиги;

- фаолият юритаётган корхоналарни модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш ҳамда замонавий, юксак технологияларга асосланган янги ишлаб чиқаришни ташкил этиш борасида фаол инвестиция сиёсатининг юритилаётганлиги;

- бозор ислохотларини чуқурлаштириш ва иқтисодиётни либераллаштириш, ишбилармонлик муҳитини яхшилаш, рақобатни кучайтириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни жадал ривожлантиришга қаратилган дастурий вазифаларнинг ўз вақтида бажарилаётганлиги;

- реал сектор корхоналарини қўллаб-қувватлаш мақсадида иқтисодиётда солиқ юкини пасайтириш ва бошқа қатор имтиёзларнинг жорий этилаётганлиги;

- молия-банк тизимига берилаётган эътибор ва унинг натижасида соҳанинг барқарор ривожланиб бораётганлиги эъвазига эришилмоқда.

#### 2.1.1-жадвал

##### Ялпи ички маҳсулотнинг ўсишида иқтисодийнинг айрим секторлари улушининг ўзгариши (фоизли пункт ҳисобида)<sup>9</sup>

| Кўрсаткичлар номи                                            | 2000 | 2005 | 2006 | 2007 | 2008 | 2009 | 2010 | 2011 |
|--------------------------------------------------------------|------|------|------|------|------|------|------|------|
| <b>ЯИМ ўсиши – жами (фоизда)</b>                             | 3,8  | 7,0  | 7,3  | 9,5  | 9,0  | 8,1  | 8,5  | 8,3  |
| <b>Иқтисодиёт тармоқларининг ЯИМ умумий ўсишидаги улуши:</b> |      |      |      |      |      |      |      |      |
| <b>Саноат</b>                                                | 8,0  | 12,4 | 17,6 | 14,5 | 15,5 | 10,4 | 9,1  | 7,4  |
| <b>Қишлоқ хўжалиги</b>                                       | 21,6 | 23,5 | 25,1 | 17,9 | 12,9 | 17,7 | 19,2 | 18,3 |
| <b>Қурилиш</b>                                               | 3,8  | 7,5  | 9,8  | 8,7  | 5,1  | 23,0 | 6,4  | 6,7  |
| <b>Транспорт ва алоқа</b>                                    | 23,3 | 19,5 | 17,7 | 18,4 | 21,9 | 7,0  | 14,2 | 16,3 |
| <b>Савдо ва умумий овқатланиш</b>                            | 13,3 | 10,4 | 13,7 | 19,0 | 16,1 | 15,5 | 20,8 | 20,9 |
| <b>Бошқа хизматлар</b>                                       | 18,2 | 11,2 | 7,4  | 12,2 | 18,4 | 17,2 | 21,9 | 22,2 |
| <b>Билвосита солиқлардан субсидияларнинг айирмаси</b>        | 11,9 | 15,5 | 8,7  | 9,3  | 10,0 | 9,2  | 8,6  | 8,3  |
| <b>Жами</b>                                                  | 100  | 100  | 100  | 100  | 100  | 100  | 100  | 100  |

2012 йилда саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш умумий ҳажми 2011 йилга нисбатан 7,7 фоизга ошди ва 50,7 трлн. сўмни ташкил этди. Саноатда юқори ўсиш суръатлари озиқ-овқат (ўсиш суръати 6,5 фоиз), машинасозлик ва металлни қайта ишлаш (12,4 фоиз), қурилиш материаллари (11,0 фоиз) ҳамда енгил саноат (12,0 фоиз) тармоқларида кузатилди.

Саноат маҳсулотларини ишлаб чиқаришда ёқилғи ҳамда машинасозлик ва металлни қайта ишлаш саноатларининг улуши юқори бўлиб, мос равишда 18,3 ва 17,0 фоизни ташкил қилди.

2012 йилда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳажми 2011 йилга нисбатан 7,0 фоизга ошиб, 24,4 трлн. сўмни ташкил қилди.

Хусусан, деҳқончилик маҳсулотларини етиштириш 7,0 фоизга, чорвачилик маҳсулотларини етиштириш эса 7,1 фоизга ошди.

<sup>9</sup> Прогнозлаштириш ва макроиқтисодий тадқиқотлар институти материаллари

Республикамизда озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми 8,4 фоизга ўсиб, 7,9 трлн. сўмни ташкил қилди.

Ўтган йилда кўрсатилган хизматлар ҳажми 14,2 фоизга ўсиб, унинг ЯИМ таркибидаги улуши 52,0 фоиздан зиёдни ташкил қилди.

Жумладан, молиявий хизматлар (17,6 фоиз), алоқа ва ахборотлаштириш (24,5 фоиз), туризм (17,6 фоиз), маиший (21,5 фоиз) ҳамда савдо ва умумий овқатланиш (16,1 фоиз) хизматларини кўрсатиш юқори суръатларда ўсди.

Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини рағбатлантирилиши натижасида иқтисодиёт таркибининг сифат жиҳатдан яхшиланишига эришилди:

- 2012 йилда ЯИМ таркибида нодавлат секторнинг улуши 83,6 фоиздан ортиқроқ бўлиб, улгуржи ва чакана савдо ҳамда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг эса қарийб 100 фоизи нодавлат сектор томонидан ишлаб чиқарилмоқда;

- кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ЯИМдаги улуши ўз навбатида 1991 йилда 1,5 фоизни ташкил этган бўлса, 2012 йилда 54,6 фоизга етди;

- хизмат кўрсатиш секторининг ЯИМдаги улуши 1991 йилда 16,3 фоиздан 2012 йилда 52 фоизга ўсди;

- 1991-2012 йиллар мобайнида ЯИМда саноат улуши 2,2 баробар, яъни 11 фоиздан 24 фоизга ўсди;

- 1991 йилда экспорт қилинадиган товар таркибининг қарийиб 90 фоизни хомашё маҳсулотлари ташкил этган бўлса, ҳозирги кунда қарийиб 70 фоизни тайёр маҳсулотлар ташкил этишига эришилди.

- Мустақиллик йилларида хомашё ресурсларини чуқур қайта ишлаш, юқори қўшилган қийматга эга бўлган товарлар улушининг ортишига қаратилган таркибий сиёсатни амалга ошириш натижасида мамлакатимиз ялпи ички маҳсулоти таркибида қишлоқ хўжалиги улушининг пасайиши ва



саноат, хизмат кўрсатиш соҳаларининг улушини ортиши кузатилмоқда. Масалан, 2000-2012 йилларда қишлоқ хўжалигининг мамлакатимиз ялпи ички маҳсулотидаги улуши 30,1 фоиздан 17,5 фоизга қисқаргани ҳолда, саноат ҳамда хизматнинг улуши, аксинча, мутаносиб равишда 14,2 фоиздан 24,0 фоизга ва 37,2 фоиздан 44,9 фоизга ортди. Хизматлар соҳаси таркибида миллий иқтисодиётимиз учун амалда янги бўлган соҳалар – банк фаолияти, аудит, суғурта, консалтинг хизматлари салмоқли ўрин эгалламоқда.

#### 2.1.2-жадвал

##### ЯИМнинг тармоқ таркиби, (фоиз ҳисобида)<sup>10</sup>

|                               | 1991 | 1995 | 2000 | 2005 | 2006 | 2007 | 2008 | 2009 | 2010 | 2011 | 2012 |
|-------------------------------|------|------|------|------|------|------|------|------|------|------|------|
| <b>Иқтисодиёт бўйича жами</b> | 100  | 100  | 100  | 100  | 100  | 100  | 100  | 100  | 100  | 100  | 100  |
| <b>Саноат</b>                 | 26,3 | 17,1 | 14,2 | 20,7 | 22,1 | 24,0 | 22,3 | 23,6 | 24,0 | 24,0 | 24,0 |
| <b>Қишлоқ хўжалиги</b>        | 37,4 | 28,1 | 30,1 | 25,0 | 24,1 | 21,7 | 19,4 | 18,2 | 17,5 | 17,6 | 17,5 |
| <b>Қурилиш</b>                | 10,4 | 7,1  | 6,0  | 4,9  | 5,1  | 5,5  | 5,6  | 7,4  | 6,4  | 6,1  | 5,9  |
| <b>Хизматлар</b>              | 26,2 | 34,6 | 37,2 | 38,4 | 39,5 | 39,3 | 43,3 | 44,1 | 45,1 | 44,5 | 44,9 |
| <b>Соф эгри солиқлар</b>      | -0,3 | 13,1 | 12,5 | 11,0 | 9,2  | 9,5  | 9,7  | 6,7  | 7,0  | 7,8  | 7,7  |

Корхоналар ва ташкилотлар ягона давлат регистри маълумотларига кўра, 2013 йилнинг 1 январь ҳолатига рўйхатга олинган юридик шахслар сони 531,1 мингтага етди, шундан фаолият кўрсатаётганлари сони 498,5 мингтани ёки жами рўйхатга олинган юридик шахсларнинг 93,9 фоизини ташкил қилди.

Рўйхатга олинган корхона ва ташкилотларнинг (фермер хўжаликларисиз) асосий қисми савдо ва умумий овқатланиш (жами рўйхатга олинган юридик шахсларнинг 25,1 фоизи), қишлоқ хўжалиги (21,3 фоизи), саноат (13,5 фоизи) ва қурилиш (7,3 фоизи) соҳаларига тўғри келади.


<sup>10</sup> Ўзбекистон Республикаси иқтисодий-ижтимоий тараққиётининг мустақиллик йилларидаги (1990–2010 йиллар) асосий тенденция ва кўрсаткичлари ҳамда 2011–2015 йилларга мўлжалланган прогнозлари: статистик тўплам. –Т.: “Ўзбекистон”, 2011. 120–б.

### 2.1.3-жадвал.

#### 2013 йилнинг 1 январь ҳолатига рўйхатга олинган ва фаолият кўрсатаётган корхона ва ташкилотларнинг (фермер хўжаликларисиз) иқтисодиёт тармоқлари тақсимооти

|                                                              | Рўйхатга олинганлар |                        | Фаолият кўрсатаётганлар |                        |
|--------------------------------------------------------------|---------------------|------------------------|-------------------------|------------------------|
|                                                              | минг бирлик         | якунга нисбатан фоизда | минг бирлик             | якунга нисбатан фоизда |
|                                                              |                     |                        |                         |                        |
| <b>Жами</b>                                                  | <b>301,6</b>        | <b>100,0</b>           | <b>271,0</b>            | <b>100,0</b>           |
| шу жумладан:                                                 |                     |                        |                         |                        |
| саноат                                                       | 40,8                | 13,5                   | 35,6                    | 13,2                   |
| қурилиш                                                      | 22,1                | 7,3                    | 18,6                    | 6,9                    |
| қишлоқ ва ўрмон хўжалиги                                     | 64,1                | 21,3                   | 61,4                    | 22,6                   |
| транспорт ва алоқа                                           | 10,2                | 3,4                    | 9,0                     | 3,3                    |
| ишлаб чиқаришнинг бошқа тармоқлари                           | 21,6                | 7,2                    | 18,8                    | 6,9                    |
| савдо ва умумий овқатланиш                                   | 75,6                | 25,1                   | 63,2                    | 23,3                   |
| аҳолига маиший хизмат кўрсатишнинг ноишлаб чиқариш турлари   | 4,0                 | 1,3                    | 3,4                     | 1,3                    |
| соғлиқни сақлаш, жисмоний тарбия, спорт ва ижтимоий таъминот | 10,7                | 3,5                    | 10,2                    | 3,8                    |
| таълим, маданият, фан ва илмий хизмат кўрсатиш               | 21,5                | 7,1                    | 21,0                    | 7,8                    |
| бошқа ноишлаб чиқариш тармоқлари                             | 31,0                | 10,3                   | 29,8                    | 11,0                   |

Рўйхатга олинган корхоналар умумий сонининг 92,6 фоизини нодавлат мулки шаклидаги корхоналар, шундан 51,1 фоизини фермер ва деҳқон хўжаликлари, 19,2 фоизини хусусий корхоналар, 0,9 фоизини чет эл сармояси иштирокидаги корхоналар, 21,4 фоизини бошқа мулкчилик шаклларидаги корхоналар ташкил этади.




**2.1.1-расм. Рўйхатга олинган хўжалик юритувчи субъектлар-юридик шахслар мулкчилик шакллари (умумий сонига нисбатан фоиз ҳисобида).**

2012 йилда жами 30,5 мингта янги корхона ва ташкилотлар рўйхатга олинган бўлиб, уларнинг асосий қисми Тошкент шаҳри (республика бўйича рўйхатга олинган жами корхона ва ташкилотларнинг 19,6 фоизи), Тошкент (9,5 фоизи), Самарқанд (8,8 фоизи), Қашқадарё (8,0 фоизи) ва Фарғона (7,5 фоизи) вилоятларига тўғри келади.

Иқтисодиёт тармоқлари бўйича янги ташкил топган корхоналарнинг 21,3 фоизи - савдо ва умумий овқатланиш, 35,7 фоизи - қишлоқ хўжалиги, 17,9 фоизи - саноат соҳаларига тўғри келади.

Ҳисобот даврида 22,4 мингта корхона ва ташкилотлар фаолияти тугатилган бўлиб, улардан 7,0 мингтаси ихтиёрий равишда тугатилган.

Иқтисодиёт тармоқлари бўйича фаолияти тугатилган корхоналарнинг 33,8 фоизи - савдо ва умумий овқатланиш, 18,0 фоизи - қишлоқ хўжалиги, 16,0 фоизи-саноат соҳасига тўғри келган.



**2.1.2-расм. 2012 йилда ялпи ички маҳсулот ва иқтисодиётнинг асосий тармоқлари ҳамда аҳоли бандлиги бўйича давлат ва нодавлат секторларининг нисбати (умумий ҳажмга нисбатан фоиз ҳисобида).**

2012 йилда ишлаб чиқарилган ЯИМнинг 54,6 фоизи кичик тадбиркорлик (бизнес) субъектлари ҳиссасига тўғри келди, ушбу кўрсаткич ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 0,6 фоизга кўпдир. 2012 йилда кичик корхона ва микрофирмаларнинг ЯИМ ишлаб чиқаришдаги улуши 33,9 фоизни ташкил этди, 2011 йилда ушбу кўрсаткич 33,7 фоизга тенг бўлган.

2012 йилда хўжалик юритувчи субъектларида:

– 9252,9 минг кишининг бандлиги таъминланди (жами иқтисодиётда банд бўлганларнинг 75,7 фоизи), шу жумладан банд бўлганларнинг

6851,8 минг нафари индивидуал сектор, 2401,1 минг нафари кичик корхона ва микрофирмалар ҳиссасига тўғри келди;

– саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш ҳажми 11253,1 млрд. сўмни (жами саноат ишлаб чиқаришининг 22,2 фоизи) ва 2011 йилнинг январь-декабрига нисбатан 114,3 фоизни ташкил қилди;

– 7767,3 млрд. сўмлик инвестициялар (умумий инвестициялар ҳажмининг 35,2 фоизи) ўзлаштирилди ва 2011 йилнинг январь-декабрига нисбатан 123,0 фоизни ташкил қилди;

– 7996,3 млрд. сўмлик қурилиш ишлари (қурилиш ишлари умумий ҳажмининг 70,7 фоизи) бажарилди ва 2011 йилнинг январь-декабрига нисбатан 115,4 фоизни ташкил қилди;

– автомобил транспортида юк айланмаси 9,4 фоизга (республика жами автомобил транспорти юк айланмасининг 81,4 фоизи), йўловчи айланмаси 9,2 фоизга (умумий йўловчи айланмасининг 87,8 фоизи) кўпайиши таъминланди;

– чакана товар айланмаси умумий ҳажмининг 45,3 фоизи ёки 16732,7 млрд. сўми (ўсиш 9,4 фоиз) ва аҳолига пуллик хизмат кўрсатиш умумий ҳажмининг 44,7 фоизи ёки 6146,4 млрд. сўми (ўсиш 9,8 фоиз) шакллантирилди;

– 2238,1 млн. АҚШ доллари (умумий экспорт ҳажмининг 15,7 фоизи) миқдорида маҳсулотлар экспорт қилинди, 4518,5 млн. АҚШ доллари (умумий импорт ҳажмининг 37,6 фоизи) миқдорида маҳсулотлар импорт қилинди.

#### 2.1.4-жадвал.


**2012 йилда кичик тадбиркорлик субъектлари маҳсулоти (ишлар, хизматлар) умумий ҳажмида хусусий тадбиркорликнинг (фуқаролар мулки) улуши**

|                         | кичик тадбиркорлик субъектлари маҳсулоти (иш, хизмат) ҳажми, млрд.сўм | кичик тадбиркорлик субъектлари маҳсулоти (иш, хизмат) ҳажмида хусусий сектор улуши, % ҳисобида |
|-------------------------|-----------------------------------------------------------------------|------------------------------------------------------------------------------------------------|
| Саноат                  | 11253,1                                                               | 31,9                                                                                           |
| Қишлоқ хўжалиги         | 23877,7                                                               | 100,0                                                                                          |
| Қурилиш                 | 7996,3                                                                | 72,0                                                                                           |
| Чакана савдо            | 16732,7                                                               | 66,9                                                                                           |
| Пуллик хизматлар        | 6146,4                                                                | 83,2                                                                                           |
| Юк ташиш, млн.тн        | 554,8                                                                 | 72,7                                                                                           |
| Йўловчи ташиш, млн.киши | 5539,1                                                                | 92,9                                                                                           |
| Экспорт, млн. АҚШ долл. | 2238,1                                                                | 5,7                                                                                            |
| Импорт, млн. АҚШ долл.  | 4518,5                                                                | 12,9                                                                                           |

Кичик тадбиркорликнинг хусусий секторида иш билан банд бўлганлар сони 8442,7 минг кишини ёки жами соҳада банд бўлганларнинг 91,2 фоизини ташкил қилди.

Мамлакатимизда бизнесни юритиш билан боғлиқ барча жараёнларни янада либераллаштириш, соддалаштириш ва арзонлаштириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини молиявий қўллаб-қувватлаш борасида амалга оширилаётган чора-тадбирлар натижасида кичик бизнеснинг мамлакатимиз иқтисодиётидаги тутган ўрни тобора мустаҳкамланиб бормоқда. Натижада 2012 йилда кичик бизнес субъектларига тегишли ишлаб чиқариш корхонлари ва микрофирмалар сони 23,3 мингтага ўсиб, 2013 йилнинг 1 январь ҳолатига кўра 219,4 мингтага (фермер хўжаликларини

хисобга олмаган ҳолда) етди. Кичик бизнеснинг ЯИМ таркибидаги улуши 54,6 фоизни ташкил қилди.



**2.1.3-расм. Ўзбекистонда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ЯИМ даги улуши, фоизда<sup>11</sup>**

Бир сўз билан айтганда, мустақиллик йилларида Президентимиз томонидан ишлаб чиқилган ҳамда изчил олиб борилаётган пухта ўйланган, самарали иқтисодий сиёсат пировардида мамлакатимизда макроиқтисодий барқарорлик ва иқтисодиётнинг мутаносиблигини таъминлаш учун мустаҳкам замин яратди. Бу эса, юқорида таъкидланганидек, глобал жаҳон иқтисодиётида ҳали-бери сақланиб қолаётган жиддий муаммоларга қарамасдан, 2012 йилда иқтисодиётимизни барқарор суръатлар билан ривожлантиришнинг давом эттирилишига, аҳоли турмуш даражасини изчил юксалтиришнинг таъминланишига, мамлакатимизнинг дунё бозоридаги ўз позициясини мустаҳкамлашига асос бўлди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов томонидан ишлаб чиқилган Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясида баён этилган иқтисодий ислохотларни янада чуқурлаштириш ва жамиятни модернизация қилишнинг стратегик йўналишлари мамлакатимиз иқтисодиётини яқин йиллар ичида ривожлантиришнинг асосий прогноз кўрсаткичлари учун асос бўлиб хизмат қилади. Маърузада таъкидланганидек,

<sup>11</sup> Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари

“Жорий йилда мамлакатимиз иқтисодиётини 8 фоизга, саноатни 8,4 фоизга, қишлоқ хўжалигини 6 фоизга, асосий капиталга киритилган инвестициялар ҳажмини 11 фоизга, хизмат кўрсатиш соҳасини қарийб 16 фоизга ошириш ва ялпи ички маҳсулотда унинг улуши 53 фоизгача ўсишини таъминлаш вазифаси қўйилмоқда”.

Юқори қўшимча қийматга эга бўлган маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кўпайтиришни таъминлайдиган кимё, нефть-газ ва нефть-кимё саноатини, машинасозлик, металлни қайта ишлаш, қурилиш материаллари ишлаб чиқариш, енгил, озиқ-овқат саноатининг юқори технологияларга асосланган тармоқларини ва бошқа соҳаларни юксак даражада ривожлантириш олдимизга қўйилган мақсадларга эришишнинг асосий манбаи бўлиши даркор”<sup>12</sup>. Ўз навбатида, мазкур ислохотларни амалга оширишда хўжалик юритувчи субъектлар фаолияти муҳим ўрин тутди.

## **2.2. Хўжалик юритувчи субъектларнинг молиявий барқарорлигини оширишга қаратилган тадбирлар тизими.**

Мамлакатимизда амалга оширилаётган иқтисодий ислохотларда хўжалик юритувчи субъектларнинг молиявий барқарорлигини ошириш уларга имтиёзли кредитлар бериш ҳамда солиқлардан имтиёзлар яратишга алоҳида эътибор берилмоқда.

Ўзбекистон иқтисодиётини барқарор суръатларда ривожлантириш омилларидан бири кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик тараққиётини таъминлаш ҳисобланади. Ушбу соҳа бозор конъюнктураси ўзгаришларига тез мослаша олиш, янги иш ўринларини яратиш орқали аҳоли бандлигини

---

<sup>12</sup> Бош мақсадимиз – кенг қўламли ислохотлар ва модернизация йўлини қатъият билан давом эттириш. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг 2012 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ҳамда 2013 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси // “Халқ сўзи” газетаси, 2013 йил 19 январь.



таъминлаш ва даромад манбаларини яратиш, ўрта мулкдорлар синфини шакллантириш каби хусусиятларга эгаллиги билан ажралиб туради. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримов ушбу масаланинг муҳимлиги тўғриси-да тўхталиб: "... кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик иқтисодиётнинг тез ўзгариб турадиган бозор талабларига жавоб беришини таъминлайдиган замонавий тузилмаларини шакллантиришда, янги иш ўринларини ташкил қилишда ва аҳоли даромадларини оширишда қанчалик ўта муҳим роль ўйнашини албатта чуқур англаймиз. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг кредитлар, хомашё ресурслари, шунингдек, давлат харидлари тизимидан фойдаланиш имкониятларини кенгайтириш зарур"<sup>13</sup>, - деб таъкидлаган эдилар. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасининг мамлакатимизни модернизация қилиш ва янгилашнинг ишончли таянчи бўлган мулкдорлар синфи, яъни ўрта синфни шакллантиришдаги улкан аҳамиятини ҳеч нарса билан қиёслаб бўлмайди. Мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни янада ривожлантириш орқали унинг ЯИМдаги улушини ошириш, аҳолини иш билан банд этиш, уларнинг реал даромадларини кўпайтириш ва турмуш фаровонлигини яхшилашда кредитлаш муҳим аҳамият касб этади. Молиялаш аҳолини камбағалликдан халос этиш, меҳнатга лаёқатли, иқтидорли аҳоли қатламини ишга жалб этиш орқали ўз ғоя ва янгиликларини рўёбга чиқариш билан даромад олиш манбаларини кенгайтириш асосида турмуш фаровонлигини яхшилаш, кичик ва хусусий тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш йўли билан жамиятнинг ижтимоий-иқтисодий фаол субъектларига айланишига имкон беради. Ислохотларнинг босқичма-босқич ўтказилиши, демократик ва бозор ислохотлари йўлидан изчил ва оғишмай бориш, кучли ижтимоий сиёсат ва аҳолининг энг ночор қатламларини ҳимоя қилиш билан биргаликда,

---

<sup>13</sup> Каримов И.А. Барча режа ва дастурларимиз ватанимиз тараққиётини юксалтириш, халқимиз фаровонлигини оширишга хизмат қилади. //халқ сўзи, 2011 йил 22 январь.

Ўзбекистонда амалга оширилаётган туб ўзгаришларнинг ижобий натижаларини, уларнинг қўллаб-қувватланиши ва эътироф этилишини олдиндан белгилаб берди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига кредит беришни кўпайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2011 йил 11 мартда имзоланган ПҚ-1501-сонли Қарори, “Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни янада ривожлантириш учун қулай ишбилармонлик муҳитини шакллантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2011 йил 24 августда чиқарилган ПФ-4354-сонли Фармони ва бошқа бир қатор меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларга мувофиқ, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари учун турли имтиёз ва қулайликлар берилди, имтиёзли кредитлаш тизими соддалаштирилди. Хусусан:

- кичик бизнес субъектларидан тижорат банкларида миллий валютада ҳисобварақ очгани учун тўлов ундириш бекор қилинди;

- имтиёзли кредитлаш ҳажмини кенгайтиришни рағбатлантириш мақсадида тижорат банкларининг Имтиёзли кредит бериш махсус жамғармаси маблағлари ҳисобидан кредитлар ажратишдан оладиган даромадлари 2016 йилнинг 1 январига қадар фойда солиғидан озод қилинди. Бунга асосан, жорий йилда Имтиёзли кредитлаш махсус жамғармаси маблағлари ҳисобидан кредитлар 1,3 баробарга кўпайтирилиб, уларнинг ҳажмини 24 миллиард сўмдан ошириш чоралари кўрилди. Ушбу кредитлар асосан узоқ ва чекка, шунингдек, ортиқча меҳнат ресурсларига эга бўлган туман ва шаҳарларда жойлашган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг лойиҳаларини молиялаштиришга йўналтирилди.

Юртбошимиз 2010 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2011 йилга мўлжалланган энг муҳим устувор йўналишларга бағишланган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар

Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаларида “ ... Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг кредитлар, хомашё ресурслари, шунингдек, давлат харидлари тизимидан фойдаланиш имкониятларини кенгайтириш зарур”<sup>2</sup> лигини алоҳида таъкидлаб ўтдилар. Ўтиш иқтисодиёти мамлакатларида иқтисодиёт тармоқлари корхоналарини молиявий маблағлар билан таъминлаш (кредитлаш ёки микрокредитлаш) янгилик ҳисоблансада, ундан аҳолининг иқтисодий фаол қатламини тадбиркорлик фаолиятига жалб этиш ва ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, аҳоли бандлигини таъминлаш мақсадларида фойдаланилмоқда. Шунингдек, соҳа ривожини таъминлашда халқаро ёки хорижий молиявий ташкилотлар маблағларини жалб қилишга қаратилмоқда. Микромолиялаш хусусиятларига кўра, юридик шахс мақомига эга бўлган кичик бизнес субъектларининг микромолиявий хизматлардан фойдаланиш манбалари ва миқдори бир мунча юқоридир. Буни 1-жадвал маълумотларидан кўриш мумкин.

### 2.2.1-жадвал.

#### Ўзбекистонда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини микромолиялаш хусусиятлари

| Молиявий хизматлар кўрсатувчи ташкилот             | Микромолиявий хизматлар                                 |                                       |           |           |                                                                                 |
|----------------------------------------------------|---------------------------------------------------------|---------------------------------------|-----------|-----------|---------------------------------------------------------------------------------|
|                                                    | тури                                                    | суммаси                               | % ставка  | муддат    | алоҳида шарҳлар ва имтиёзлар                                                    |
| 1                                                  | 2                                                       | 3                                     | 4         | 5         | 6                                                                               |
| Юридик мақомга эга бўлган тадбиркорлик субъектлари |                                                         |                                       |           |           |                                                                                 |
| Микрокредит банк                                   | Бошланғич сармоясини шакллантириш                       | Энг кам иш ҳақининг 200 баробаригача  | Йиллик 3% | 18 ойгача | Тадбиркорлик субъектларининг давлат рўйхатидан ўтганига 6 ойдан ошмаслиги лозим |
|                                                    | Фаолиятини кенгайтириш ва айланма маблағларини тўлдириш | Энг кам иш ҳақининг 500 баробаригача  | Йиллик 5% | 24 ойгача |                                                                                 |
|                                                    | Имтиёзли микролизинг хизматлари                         | Энг кам иш ҳақининг 2000 баробаригача | Йиллик 5% | 3 йилгача |                                                                                 |

|                                                                            |                                                                  |                                         |                 |              |                                                                                                                                                            |
|----------------------------------------------------------------------------|------------------------------------------------------------------|-----------------------------------------|-----------------|--------------|------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|
| Тижорат<br>банклари                                                        | Бошланғич сармояни<br>шакллантиришга<br>йўналтирилган            | Энг кам иш ҳақининг<br>300 баробаригача | Йиллик<br>2,3 % | 18<br>ойгача | Тадбиркорлик<br>субъектларининг<br>давлат<br>рўйхатидан<br>ўтганига 6 ойдан<br>ошмаслиги лозим                                                             |
|                                                                            | Ишлаб чиқаришни<br>кенгайтириш ва<br>фаолиятини<br>ривожлантириш | 10000 АҚШ долл.<br>Микдорида            | Йиллик<br>4,7 % | 2<br>йилгача |                                                                                                                                                            |
| Дехкон ва<br>фермер<br>хўжаликларини<br>қўллаб-<br>қувватлаш<br>жамғармаси | Бошланғич сармоясини<br>шакллантиришга<br>микрокредитлар         | Энг кам иш ҳақининг<br>150 баробаригача | Йиллик<br>2,3 % | 3<br>йилгача | Тадбиркорлик<br>субъектларининг<br>давлат<br>рўйхатидан<br>ўтганига 6 ойдан<br>ошмаслиги лозим                                                             |
| Юридик мақомга эга бўлмаган тадбиркорлик субъектлари                       |                                                                  |                                         |                 |              |                                                                                                                                                            |
| Микрокредит<br>банк                                                        | Бошланғич сармоясини<br>шакллантириш                             | Энг кам иш ҳақининг<br>50 баробаригача  | Йиллик 3<br>%   | 18<br>ойгача | Тадбиркорлик<br>субъектларининг<br>давлат<br>рўйхатидан<br>ўтганига 6 ойдан<br>ошмаган                                                                     |
| Тижорат<br>банклари                                                        | Чорвачиликни<br>ривожлантириш                                    | Энг кам иш ҳақининг<br>80 баробаригача  | Йиллик 14<br>%  | 3<br>йилгача | Кам<br>таъминланган<br>оилаларга, нақд<br>пул шаклида                                                                                                      |
|                                                                            | Ишлаб чиқаришни<br>кенгайтириш ва<br>фаолиятини<br>ривожлантириш | 5000 АҚШ долл.<br>Микдорида             | Йиллик<br>3,5 % | 3<br>йилгача | 50 фоизи нақд<br>пул шаклида                                                                                                                               |
| Бандлик<br>қўмаклашувчи<br>жамғарма                                        | Чорвачиликни<br>ривожлантириш                                    | Энг кам иш ҳақининг<br>80 баробаригача  | Йиллик<br>3,5 % | 3<br>йилгача | Фақат кам<br>таъминланган<br>оилаларга, нақд<br>пул шаклида                                                                                                |
|                                                                            | Оилавий тадбиркорлик                                             | Энг кам иш ҳақининг<br>150 баробаригача | Йиллик<br>3,5 % | 2<br>йилгача | Давлат рўйхатига<br>олиш вақтида<br>бериладиган<br>гувоҳномада<br>оилавий<br>тадбиркорлик<br>шакли эканлиги<br>кўрсатилиши<br>керак, 6 ой<br>имтиёзли давр |


Хўжалик юритувчи субъектларни молиялаш ва уни ташкил этиш объектив иқтисодий қонуниятларга асосланиши лозим. Молиялаш тизимида молиявий муносабатлар базис сифатида қатнашиб, бошқа қисмлар устқурма ҳисобланади. Молиявий муассасалар эса тизимнинг бошқа қисми сифатида қатнашади, яъни у барча пул ва кредит оқимларини бошқариб туради. Молиялаш тизими қуйидаги тўртта қисмни мужассамлаштира олгандагина яхлит ва объектив бўлади:

- молиявий муассасалар ва молиявий хизматлар кўрсатувчи инфратузилмалар;

- молиялаш (кредитлаш ва микрокредитлаш) тартиби; - молиялаш йўналишлари ва объектлари;

- молиялаш манбалари ва усуллари. Бу таркибий қисмлар ўзаро алоқадорликка эга ва бир бутунликни ифодалайди.

Сўнгги йилларда ҳукуматимиз томонидан хўжалик юритувчи субъектларни молиявий қўллаб-қувватлаш бўйича амалга оширилаётган тадбирлар натижасида мазкур соҳага тижорат банклари томонидан берилаётган кредитлар ва кўрсатилаётган микромолиявий хизматлар ҳажми йилдан-йилга ўсиб бормокда.



**2.2.1-расм. Хўжалик юритувчи субъектларга берилган кредит ва микрокредитлар (млрд. сўмда)<sup>14</sup>**

Хусусан, мамлакатимизда хўжалик юритувчи субъектлар молиявий қўллаб-қувватлаш борасида банк тизимида салмоқли ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, 2012 йилда, тижорат банклари томонидан хўжалик юритувчи субъектларга барча молиялаш манбалари ҳисобидан ажратилган кредитлар 2011 йилга нисбатан 1,3 баробарга ошиб, 5 трлн. 346 млрд. сўмни ташкил этди. Ушбу ажратилган кредитларнинг 1 трлн. 172 млрд. сўми микрокредитлар бўлиб, уларнинг ҳажми 2011 йилдагига нисбатан 1,5 баробарга ўсди.

2012 йилда тижорат банклари жами кредит қўйилмалари таркибида кичик бизнес субъектларига ажратилган кредит улуши 2002 йилга нисбатан 14 пунктга кўпайиб, 23,3 фоизни ташкил қилган. 2012 йилда тижорат банклари жами кредит қўйилмалари таркибида микромолиявий хизматлар улуши 3,8 фоизни ташкил қилган. 2012 йилда тижорат банклари томонидан ажратилган жами кредит қўйилмалари ЯИМ миқдорининг 21 фоизини, кичик

<sup>14</sup> Ўзбекистон Республикаси Марказий банк маълумотлари.

бизнес субъектларига ажратилган кредит эса ЯИМнинг 6,7 фоизини ташкил этган, микрокредитлар бор йўғи 0,78 фоизини ташкил этган.

Фикримизча, бундай ҳолат тижорат банкларининг иқтисодиёт тармоқларини молиялаштириш, шу жумладан, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига микромолиявий хизматлар кўрсатишда муаммолар мавжудлигини кўрсатади. Бинобарин, мамлакатимиз тижорат банкларининг кичик бизнес фаолиятини микромолиялашда етарлича роль ўйнамаётганликларидан далолат беради. Бу эса тижорат банклари ва кичик бизнес субъектлари билан ўзаро манфаатли алоқаларни ривожлантириш, мазкур субъектларни микрокредитлаш тизимини такомиллаштириш лозимлигини кўрсатади.

#### 2.2.2-жадвал

**Ўзбекистонда кичик бизнес субъектларига ажратилган кредитлар  
ҳажми ва кичик бизнеснинг мамлакат ялпи ички маҳсулотидаги  
улушининг ўзгариши**

| <b>Йиллар</b> | <b>Кичик бизнес субъектларига<br/>ажратилган кредитлар<br/>ҳажми, млрд. сўм</b> | <b>Кичик бизнеснинг<br/>ЯИМдаги улуши, %</b> |
|---------------|---------------------------------------------------------------------------------|----------------------------------------------|
| 2002 й.       | 265,0                                                                           | 34,6                                         |
| 2003 й.       | 294,0                                                                           | 35,0                                         |
| 2004 й.       | 354,0                                                                           | 35,6                                         |
| 2005 й.       | 419,9                                                                           | 38,2                                         |
| 2006 й.       | 547,4                                                                           | 42,1                                         |
| 2007 й.       | 743,7                                                                           | 45,5                                         |
| 2008 й.       | 1250,7                                                                          | 48,2                                         |
| 2009 й.       | 1851,7                                                                          | 50,1                                         |
| 2010 й.       | 2690,2                                                                          | 52,5                                         |
| 2011 й.       | 4041,0                                                                          | 54,0                                         |
| 2012 й.       | 5346,0                                                                          | 54,6                                         |

Манба: Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси ва Марказий банк маълумотлари.

Юқоридаги жадвал маълумотларига назар ташлайдиган бўлсак, кичик бизнес субъектларига ажратилган кредитнинг ўсиши ушбу соҳа вакилларининг мамлакат ялпи ички маҳсулотдаги улушининг ўсишига олиб келганини пайқаш қийин эмас. Демак, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига ажратилган кредитлар ҳажми билан кичик бизнеснинг мамлакат ялпи ички маҳсулотдаги улушида ўзаро боғлиқлик мавжуд деган тахминга келамиз. Ушбу кўрсаткичлар орасидаги боғлиқлик мавжуд деган фикрни аниқлаш учун корреляцион таҳлилдан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир. Бунинг учун қуйидаги формула орқали  $X$  ва  $Y$  белгилари орасидаги боғланишни ва унинг кучи аниқланади:

$$R = \frac{\sum_{i=1}^n (X_i - \bar{X})(Y_i - \bar{Y})}{\sqrt{\sum (X - \bar{X}) \sum (Y - \bar{Y})}}$$

бу ерда  $\bar{X} = \frac{1}{n} \sum_{i=1}^n X_i$ ,  $\bar{Y} = \frac{1}{n} \sum_{i=1}^n Y_i$  - мос равишда  $X$  ва  $Y$  белгиларнинг ўртача арифметиги. Корреляция коэффициентини ҳисоблаш Microsoft Excel дастурида амалга оширилиб қуйидаги 4-жадвалда келтирилган.

**2.2.3-жадвал**

**Корреляция коэффициентини ҳисоблаш натижаси**



| X               | Y              | X-X     | Y-Y   | (X-X)(Y-Y)        | (X-X) <sup>2</sup> | (Y-Y) <sup>2</sup> |
|-----------------|----------------|---------|-------|-------------------|--------------------|--------------------|
| 265             | 34,6           | -670,18 | -7,88 | 5281,018          | 449141,2           | 62,0944            |
| 294             | 35             | -641,18 | -7,48 | 4796,026          | 411111,8           | 55,9504            |
| 354             | 35,6           | -581,18 | -6,88 | 3998,518          | 337770,2           | 47,3344            |
| 419,9           | 38,2           | -515,28 | -4,28 | 2205,398          | 265513,5           | 18,3184            |
| 547,4           | 42,1           | -387,78 | -0,38 | 147,3564          | 150373,3           | 0,1444             |
| 743,7           | 45,5           | -191,48 | 3,02  | -578,27           | 36664,59           | 9,1204             |
| 1250,7          | 48,2           | 315,52  | 5,72  | 1804,774          | 99552,87           | 32,7184            |
| 1851,7          | 50,1           | 916,52  | 7,62  | 6983,882          | 840008,9           | 58,0644            |
| 2690,2          | 53             | 1755,02 | 10,52 | 18462,81          | 3080095            | 110,6704           |
| $\Sigma=8416,6$ | $\Sigma=382,3$ |         |       | $\Sigma=43101,52$ | $\Sigma=5670232$   | $\Sigma=394,4156$  |

Куйида келтирилган корреляция коэффицентларини ҳисоблаш натижаларига кўра  $\bar{X}=935,18$   $\bar{Y}=42,48$ ,  $R=43101,52/47290,88=0,91$ . Демак, корреляция коэффиценти, яъни  $R=0,91$  га тенг. Ушбу кўрсаткич микрокредитлар ҳажми билан кичик бизнеснинг мамлакат ялпи ички маҳсулотидаги улуши орасидаги боғлиқлик даражаси жуда кучли ва тўғри пропорционал эканлигидан далолат беради. Шу сабабли, кичик бизнеснинг ЯИМдаги улушини оширишда муҳим омиллардан бири сифатида кредитлаш ҳажмларини оширишга қаратиш лозим бўлади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини кредитлаш ҳажмларини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2011 йил 11 мартдаги қарорга асосан имтиёзли кредитлаш махсус жамғармаси маблағлари устувор равишда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасидаги юқори технологияли ва инновация лойиҳаларини, узоқ ва бориш қийин бўлган туманларда,

шунингдек меҳнат ресурслари ортиқча бўлган туманлар ва шаҳарларда жойлашган ишлаб чиқариш микрофирмаларини, кичик корхоналарни, деҳқон ва фермер хўжаликларини молиялаштириш учун ажратилиши белгиланган. Хўжалик юритувчи субъектларни кредитлаш механизмини ривожлантириш чора-тадбирларининг самарали амалга оширилиши: янги иш ўринларини барпо этиш асосида ишсизлар сонини қисқартириш ва аҳоли бандлигини таъминлашга; республиканинг барча минтақаларидаги микромолиявий хизматларга муҳтож аҳолини тўлиқ қамраб олувчи микромолиялашнинг замонавий тизимини яратишга; кам таъминланган, бироқ иқтисодий фаол аҳоли қатламини ва ёшларни тадбиркорлик фаолиятига кенг жалб этиш орқали истиқболда ўрта мулкдорларнинг кенг қатламининг шаклланишига; тижорат банклари ва нобанк кредит ташкилотларининг хўжалик юритувчи субъектларни микромолиялаш ҳажмларини кўпайтиришга; микромолиявий сектор ва унинг инфратузилмасини барқарор ривожлантиришга; давлат бюджети даромадларини шакллантиришда хўжалик юритувчи субъектларни ҳиссасини оширишга, пировардида, макроиқтисодий ва молиявий барқарорликнинг мустаҳкамланишига ва барқарор иқтисодий ўсишга имконият яратади.

Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини қўллаб-қувватлашда молиявий ёрдам кўрсатиш усуллари кенг қўлланилади. Хусусан, Италия, Франция, Япония ва Жанубий Кореяда ҳам бу усуллардан кенг фойдаланилади.

1. Молиявий қўллаб-қувватлаш. У ўз ичига капитал жамғаришга кўмаклашиш, имтиёзли кредитлаш тадбирларини, кредитларни давлат томонидан кафолатлаш ва ҳ.к.

2. Солиқ имтиёзлари бериш. Ушбу имтиёзлар бизнинг фикримизча, янги асбоб-ускуналар сотиб олиш ва қурилишга йўналтирилган капитал маблағлар миқдорида солиқ чегирмаларини, илмий-тадқиқот, тажриба, конструкторлик

ишлари учун сарфланадиган харажатларнинг бир қисми миқдорида солиққа тортилмайдиган махсус фондни ташкил этишни ўз ичига олади.

3. Жадаллашган амортизация. У кичик корхоналарни ўзини-ўзи молиялаштиришга хизмат қилади.

4. Ишлаб чиқариш ва бошқаришни ташкил этишга кўмаклашиш, техник ва бошқариш ёрдами кўрсатиш. Ушбу тизим АҚШ, Германия ва Францияда илмий-тадқиқот, тажриба конструкторлик ташкилотлари яратган янги ишланма ва технологияларни кичик корхоналарга бериш; патент-лицензия сиёсатини ўтказиш; бозорни ўрганишга кўмаклашиш; ахборот ва консалтинг хизматларини кўрсатиш; хом-ашё; моддий-техника ресурсларини кафолатли ажратишни ташкил этиш; кичик ва хусусий фирмаларни шакллантириш бўйича бизнес-инкубаторларни вужудга келтиришни ўз ичига олади.

5. Кичик корхоналарнинг давлат буюртмаларини бажаришда иштирок этиши. Бунда давлат контрактациялари бўйича қонун актларини тайёрлаш; барча турдаги корхоналар учун бир хил рақобат шароитини вужудга келтириш; кичик тадбиркорликнинг иқтисодиётдаги таркибий ўзгаришларга мослашишига ёрдам бериш.

6. Хўжалик юритувчи субъектларнинг йирик фирмалар билан битим тузишларига кўмаклашиш. Бизнинг фикримизча, бу ерда унинг механизминини шакллантириш йўллари кўрсатилмаган. Шунингдек, баъзи усуллар етарлича изоҳланмаган. Шу боисдан ушбу йўналишларни қуйидагилар билан анча кенгайтириш мумкин: 2) кичик тадбиркорликни қўллаб-қувватловчи махсус давлат органларини шакллантириш (Англия, АҚШ, Жанубий Корея, Ҳиндистон, Франция, Япония); 3) молиявий ёрдам кўрсатиш: а) ишсизларга тадбиркорлик билан шуғулланиш учун нафақа бериш (Англия Франция); б) корхоналарни техник модернизациялаш учун имтиёзли молиявий ёрдам кўрсатиш (Италия, Жанубий Корея); в) кадрлар тайёрлаш; г) маҳсулот

сифатини назорат қилиш тизимини жорий қилиш (Италия); д) ташқи бозорда қўллашда молиявий ёрдам бериш (Италия, Туркия); 4) имтиёзли шартлар асосида кредитлар бериш, масалан, Англияда кичик фирмаларга берилаётган имтиёзли кредитлардаги давлат улуши 70 %ни ташкил этади. 5) имтиёзли солиққа тортиш борасида қўшимча равишда умуман солиқдан озод қилиш тажрибасини жорий қилиш (Франция, Италия ва Япония). Бунда айрим устувор тармоқ ва соҳалардаги кичик тадбиркорлик корхоналаридан қисқа муддатга солиққа тортилмайди.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини молиявий қўллаб-қувватлаш мақсадида 2013 йилда тижорат банклари томонидан жами 6,1 трлн. сўм миқдорида кредитлар ажратилиши прогноз қилинмоқда.

Жумладан, халқаро молиявий институтлар ва хорижий мамлакатлар ҳукуматларининг имтиёзли кредит линиялари жалб қилишни фаоллаштириш орқали кичик бизнес субъектларини 2013 йилда 110 млн. АҚШ долларидан кам бўлмаган миқдорда молиялаштириш режалаштирилган.

Ушбу кредит маблағларини ажратишда асосий эътибор кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг инвестиция мақсадларига, уларнинг бошланғич капиталини шакллантиришга ҳамда микрокредитлаш қўламини кенгайтиришга қаратилади.

Шунингдек:

- узоқ ва бориш қийин бўлган ҳудудларда жойлашган, шунингдек ортиқча меҳнат ресурсларига эга бўлган туман ва шаҳарларда жойлашган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига, деҳқон ва фермер хўжаликларига устувор равишда Тижорат банкларининг имтиёзли кредитлаш фонди маблағлари ҳисобидан кредитлаш ҳажмларини янада кенгайтириш;

- хизмат ва сервис соҳасини, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлашни, истеъмол маҳсулотларини ишлаб чиқаришни кенгайтириш, шунингдек янги иш ўринларини яратиш бўйича «Микрокредитбанк» АТБ

томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига ажратиладиган микрокредитлар ҳажмини ошириш;

- озиқ-овқат ва ноозиқ-овқат истеъмол маҳсулотларини ишлаб чиқарувчи корхоналарни кредитлаш ҳажмини ошириш билан бир қаторда лизинг, факторинг ва савдони молиялаштириш хизматлари кўламини кенгайтириш;

- маҳаллий ишлаб чиқарувчиларнинг маҳсулотларини, жумладан мураккаб маиший техника, мебель ва бошқа маҳсулотларни харид қилиш учун аҳолига истеъмол кредитлари ажратилишини кенгайтириш бўйича чора-тадбирлар амалга оширилади.

Юқорида қайд этилган тадбирларни амалга ошириш мамлакатимизда кичик тадбиркорликни ривожлантириш ва давлат томонидан қўллаб-қувватлаш механизмини янада такомиллаштириш имконини беради. Кичик тадбиркорликни ривожлантириш ва давлат томонидан қўллаб-қувватлаш механизми ва тизимини такомиллаштиришда хорижий илғор тажрибага республиканинг ўзига хос миллий хусусиятлари ҳисобга олган ҳолда ёндашиш мақсадга мувофиқдир. Жаҳон мамлакатларининг кичик тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш тажрибаларини ўрганиш ва умумлаштириш асосида миллий иқтисодиётда кичик тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш механизмини такомиллаштириш муҳим аҳамиятга эга.

### **2.3. Хорижий инвестициялар иштирокидаги хўжалик юритувчи субъектларни рағбатлантириш йўналишлари.**

Жамият ҳамиша истеъмолга мойил бўлиб келган. Сон жиҳатдан доимий кўпайиб борадиган аҳолининг ноз-неъматларга бўлган талабини сўзсиз қондириш узлуксиз маҳсулот ишлаб чиқаришни тақозо этади. Бундай доимий такрор ишлаб чиқаришни таъминловчи муҳим воситалардан бири эса инвестициялар ҳисобланади.

Ҳар қандай жамиятнинг барқарор иқтисодий ривожланишини инвестицияларсиз тасаввур қилиб бўлмайди. Айниқса, бугунги кунда шу нарса яққол намоён бўлмоқдаки, ҳар қандай мамлакатнинг бундан кейинги юксалиши инвестицияларни жалб этишга бевосита боғлиқ.

Шуни эътиборга олиш лозимки, инвестициялар аслида пул маблағлари шаклида сафарбар этилади. Пул шаклидаги инвестицияларнинг манбаи бўлиб, асосан, фойда (даромад) ҳисобланади. "Лекин пулнинг ўзи ишлаб чиқариш омили бўлгани учун уни керакли моддий воситаларга алмаштириш зарурияти туғилади".<sup>15</sup>Шунингдек, айрим ҳолларда янги активлар ва бойликларни яратиш учун инвестицияларнинг пул маблағлари шаклида сафарбар этилиши ҳам талаб этилади. Шунга кўра, пулсиз янги активлар ва бойликларнинг ҳосил бўлиши асло юз бермаслигини оддийгина англаб олиш мумкин. Агар инвестициялар амалга оширилмас экан, моддий ва номоддий бойликлар ҳосилқилинмайди. Демак, у пул маблағлари шаклида қолиб кетаверади. Шуни алоҳидатаъкидлаш лозимки, моддий ва номоддий бойликлар муайян фаолият мақсадида қўлланмас экан, капиталнинг қиймати ўсиши таъминланмайди.

---

<sup>15</sup>Ўлмасов А., Шарифхужаев М. Иқтисодиёт назарияси.-Т.:Мехнат, 2000

Таъкидлаш жоизки, бугунги ислохотлар даврида миллий иқтисодиётнинг ривожланишини таъминлаш мақсадида хорижий инвестицияларни ҳар қандай объектларга ҳам жалб этиш мақсадга мувофиқ эмас. Сабаби, мавжуд объектларни ва корхоналар акцияларини чет элликинвесторларга сотиш мамлакатимизга инвестицияларнинг кириб келишини англатмайди, "...чунки бундай битимлар мавжуд бўлган активларга бўлган мулк ҳуқуқини шунчаки беришни англатади".<sup>16</sup> Бу эса мулк қийматининг кўпаймаслигини билдиради. Мавжуд активларни қайта сотиш ҳам айнан шундайдир.

Умуман олганда, инвестицияларни амалга ошириш инвестиция жараёнининг таркибий қисми ҳисобланади ва у инвестиция ресурслари ҳосил қилиниш натижасига таянади ва юз беради. Ўз навбатида, у инвестициялашдан кўзланган мақсадга бевосита боғланади. Чунки, кўзланган мақсадга эришиш иштиёқи инвесторни капитал тўплаб, сўнг уни шу мақсад йўлида сафарбар этишга ундайди. Модомики, мақсад муайян натижага қаратилар экан, натижа ҳам ўз навбатида, муайян мақсадларни келтириб чиқаради ва инвестиция жараёнини акс эттирадиган кетма-кетликни ҳосил қилади. Инвестицияларнинг бу тарзда ҳаракатланиши инвестиция фаолияти орқали юз беради.

Шуни таъкидлаш лозимки, инвестиция фаолияти унинг субъектлари томонидан инвестицияларни амалга ошириш билан боғлиқ ҳаракатлар мажмуаси бўлгани ҳолда, бу ҳаракатларни субъектлар томонидан фақат инвестицияларни қўйиш билан боғлиқ ҳаракатлар сифатида тушунмаслик лозим. Бунда мазкур ҳаракатлар инвестицияларни амалга оширишнинг мақсади ва йўналишларини аниқлаш ҳамда ишлаб чиқиш, инвестиция лойиҳасини ишлаб чиқиш ва техник-иқтисодий жиҳатдан баҳолаш, уни

---

<sup>16</sup> Киселева Н.В., Боровикова Т.В., Захарова Г.В. и др. Инвестиционная деятельность: Учебное пособие М.: КНОРУС, 2005. - 432с

амалга ошириш учун талаб этиладиган маблағларни жалб этиш манбаларини аниқлаш, жамғариш ва самарали сарфлаш каби кенг жараённи ўз ичига камраб олишини мантиқан тушуниш лозим, деб ҳисоблаймиз.

Бунда инвестиция фаолиятини ташкил этишда ҳар бир мулк эгаси, энг аввало, ўз манфаатларини кўзлаб, яъни фойда олиш мақсадида ҳаракат қилади. Чунки, юқори фойда инвесторнинг капитал қиймати ўсишига имкон беради.

Мамлакатимизда инвестиция соҳасида мустаҳкам қонунчилик базаси шаклланган бўлиб, у йилдан-йилга янада такомиллаштириб борилмоқда. Хусусан, инвестиция фаолияти соҳасидаги муносабатларни тартибга соладиган Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 30 апрелдаги “Чет эл инвестициялари тўғрисида”, “Чет эл инвестицияларининг кафолатлари ва уларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш чоралари тўғрисида” ҳамда 1998 йил 24 декабрдаги “Инвестиция фаолияти тўғрисида” қонунлар мамлакатимизда инвестиция муҳитини яхшилаш ва иқтисодиётга инвестиция жойлаштириш ҳажмини оширишда ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилмоқда.

Турли минтақаларимизга хорижий сармоялар ва замонавий технологияларни жалб этишни рағбатлантиришни кучайтириш, хорижий инвесторлар ҳамда хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар учун кафолат ва имтиёзлар тизимини янада мустаҳкамлаш мақсадида Президентимизнинг 2012 йил 10 апрелдаги “Тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар жалб этилишини рағбатлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-4434-сонли фармони қабул қилинди.

Мазкур фармон билан хорижий инвесторнинг пул шаклидаги улуши 5 миллион АҚШ долларидан кам бўлмаган янгитдан ташкил этилаётган хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар юридик шахслардан олинadиган фойда солиғи, қўшилган қиймат солиғи, мол-мулк солиғи, ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғи,



ягона ижтимоий тўлов, ягона солиқ тўлови, шунингдек, Республика йўл ҳамда Таълим ва тиббиёт муассасаларини реконструкция қилиш, мукаммал таъмирлаш ва жиҳозлаш жамғармаларига мажбурий ажратмалар тўлаш бўйича мазкур корхоналар давлат рўйхатидан ўтиш санасида амал қилган меъёр ва қоидаларни солиқ қонунчилигида ўзгаришлар юз берган тақдирда ҳам давлат рўйхатидан ўтган санадан бошлаб 10 йил мобайнида қўллашга ҳақли экани белгилаб берилди.

Хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар учун кафолатлар, имтиёз ва афзалликлар тизими кўлами янада кенгайтирилди. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 11 апрелдаги ПФ-3594-сон Фармонида кўзда тутилган солиқ имтиёзлари авваллари 8 та тармоқ фаолиятига тегишли бўлган бўлса, ушбу фармон билан 2012 йилнинг II чорагидан бошлаб хорижий инвестициялар учун имтиёзлар 20 тайўналишдаги иқтисодиёт тармоғида фаолият юритаётган чет эл инвестицияси иштирокидаги корхоналарга татбиқ этиладиган бўлди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 11 апрелдаги ПФ-3594-сонли Фармонида кўзда тутилган солиқ имтиёзлари: тўғридан-тўғри хусусий хорижий инвестицияларни жалб этадиган иқтисодиёт тармоқлари корхоналари, инвестициялар ҳажмидан келиб чиқиб, фойда солиғи, мулк солиғи, ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғи, микрофирма ва кичик корхоналар учун белгиланган ягона солиқ тўлови, шунингдек, Республика йўл жамғармасига мажбурий ажратмалар тўлашдан озод қилинган.

*Тўғридан-тўғри жалб қилинган хусусий хорижий инвестициялар ҳажми:*

*300 минг АҚШ долларидан 3 миллион АҚШ долларигача бўлганда - 3 йил муддатга;*

*3 миллиондан 10 миллион АҚШ долларигача бўлганда - 5 йил муддатга;*

*10 миллион АҚШ долларидан ортиқ бўлганда - 7 йил муддатга солиқ имтиёзларидан фойдаланиши мумкинлиги белгиланган.*

**Тўғридан-тўғри хусусий хорижий инвестициялар учун бериладиган имтиёзлар жорий этиладиган иқтисодиёт тармоқлари рўйхати:**

1. Радиоэлектрон саноати буюмлари ҳамда компьютер ва ҳисоблаш техникаси бутловчи буюмларини ишлаб чиқариш.

2. Енгил саноат:

– Тайёр ип-газлама, жун газлама ва аралаш газламалар, шунингдек, трикотаж газлама ишлаб чиқариш;

– тайёр тикувчилик, трикотаж, пайпоқ маҳсулотлари ва тўқимачилик галантереяси ишлаб чиқариш;

– Табиий терилар ишлаб чиқариш, кўн-галантерея саноати, пойабзал саноати.

3. Ипакчилик саноати:

Шойи газламалар ва ипакдан тайёр буюмлар ишлаб чиқариш.

4. Қурилиш материаллари саноати: Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 24 мартдаги ПФ-3586-сонли Фармони 1а-илоvasида кўрсатилган қурилиш материалларининг янги турларини ишлаб чиқариш.

5. Парранда гўшти ва тухумни саноат асосида етиштириш.

6. Озиқ-овқат саноати: маҳаллий хомашёдан саноат асосида қайта ишланган тайёр озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш (алкоголли, алкогольсиз ичимликлар ва тамаки маҳсулотлари бундан мустасно).

7. Гўшт-сут саноати: гўшт ва сут маҳсулотларининг тайёр турлари, пишлоқ ва сарийғ, шунингдек, ҳайвонларнинг ички органларидан қайта ишланган маҳсулотлар ишлаб чиқариш.

8. Балиқ ва балиқ маҳсулотларини қайта ишлаш ҳамда консервалаш.

9. Кимё саноати.

10. Нефть-кимё саноати.

11. Тиббиёт саноати, шунингдек, ветеринария учун дори воситаларини ишлаб чиқариш.

12. Қадоклаш материалларини ишлаб чиқариш.

13. Муқобил энергия манбалари негизда электр станциялари қуриш.

14. Кўмир саноати:

- Кўмирни бойитиш;
- Кўмир брикетларини ишлаб чиқариш;
- сланец саноати.

15. Ишлаб чиқаришга мўлжалланган электроферросплав ва металл буюмларни ишлаб чиқариш.

15. Машинасозлик ва металлга ишлов бериш:

- машинасозлик;
- трактор ва қишлоқ хўжалик машинасозлиги;
- қурилиш, йўл ва коммунал машинасозлик;
- енгил ва озиқ-овқат саноати ҳамда маиший асбоблар машинасозлиги.

17. Станоксозлик ва асбобсозлик саноати.

18. Шиша ва чинни-фаянс саноати.

19. Микробиология саноати.

20. Ўйинчоқлар ишлаб чиқариш.

Маҳаллий товар (иш, хизмат) ишлаб чиқарувчи корхоналарга қуйидаги енгилликлар жорий этилди:


- халқаро молия институтлари, донор мамлакатлар, хорижий давлатлар ҳукуматлари, бошқа норезидентлар маблағлари ҳисобидан Ўзбекистон Республикаси ҳудудида амалга ошириладиган лойиҳалар бўйича халқаро тендерларда хорижий қатнашчилар билан тенг шароитларда, жумладан ишлаб чиқарилган товар (иш, хизмат)ларни етказиб бериш учун чет эл валютасида шартномалар тузган ҳолда иштирок этиш ҳуқуқи берилди.

- Ўзбекистон Республикаси ҳудудида фойдаланиш назарда тутилган, ўзида ишлаб чиқарилган товар (иш, хизмат)ларни етказиб бериш учун тўғридан-тўғри битимлар шартида норезидентлар билан хорижий валютада шартномалар тузиш ҳуқуқи берилди.

Мазкур шартномалар хизмат кўрсатаётган ваколатли банкда ҳисобга қўйилган ҳолда, экспорт шартномаларига тенглаштирилиши ва экспорт қилувчи корхоналардек солиқ имтиёзлари жорий этилиши белгиланган.

1) 2012 йил 1 апрелдан бошлаб янги қурилиш, мавжуд ишлаб чиқариш корхоналари модернизация қилиш ва технологик янгилашга валюта кредитлари бўйича асосий қарзни қайтаришга жорий тўловлар бўйича йўналтириладиган валюта тушуми қисмини ваколатли банкларга мажбурий сотишдан асосий қарз батамом тўлаб бўлинадиган муддатгақадар озод қилинди.

2) Сифатни бошқариш тизимларини жорий этиш, маҳсулотларнинг халқаро стандартларга мувофиқлигини сертификациядан ўтказиш, шунингдек, лаборатория тестлари ва синовларини ўтказиш комплексларини харид қилишга йўналтириладиган маблағларга янги технологик ускуналарни сотиб олишда назарда тутилган ягона солиқ тўлови бўйича солиқ солинадиган базани камайтиришнинг амалдаги тартиби микрофирма ва кичик корхоналар учун татбиқ этилди.




**2.3.1-расм. Худудларда 2012 йилда ташкил этилган хорижий сармоялар иштирокидаги корхоналар сони<sup>17</sup>.**

Таҳлилар натижасига асосан Ўзбекистон ҳудудларида 2012 йилда ташкил этилган хорижий сармоялар иштирокидаги корхоналар сони жами 486 тани ташкил этган. Шу жумладан, уларни асосий қисми Тошкент шаҳрига тўғри келиб, уларнинг сони 347 тани ташкил этади. Лекин, ҳозир Ўзбекистонда инвестициялаш учун барқарор салоҳиятга эга бўлган минтақаларнинг аксарият қисмида уларнинг улуши кам ҳисобланиб 2012 йилда Хоразм вилоятида 2та, Навоий вилоятида 3та, Қашқадарё вилоятида 3та, Сурхондарё вилоятида 3тани ташкил этган. Бу эса бир томондан маҳаллий ҳукуматнинг қулай инвестицион микромуҳит яратиш бўйича саъй-ҳаракатларининг суғлиги билан баҳоланса иккинчи томондан лойиҳаларни амалга оширишдаги мавжуд муаммолар бартараф этилмаслиги, мазкур ҳудудларда хорижий сармоялар иштирокидаги корхоналарни ташкил этишдаги асосий тўсиқлардан бўлиб қолишлиги билан баҳоланади.

<sup>17</sup> Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида тузилган.

Инвестициялар жалб этиш зарурлиги кўплаб минтақаларда сезилади, шу сабабдан инвесторларга солиқдан озод қилиш ва бошқа имтиёзлар тақдим этилади. Мазкур имтиёзлар қонунчиликка асосланган ҳолда амалга оширилишини ҳисобга олсак, қонунчиликда кўзда тутилган рағбатларнинг асосий тури фискал (минтақавий бюджетга ўтказилиши лозим бўлган солиқларни тўлаш бўйича) имтиёзлар ҳисобланади. Тошкент, Фарғона, Андижон, Навоий ва Самарқанд вилоятларида маҳаллий ҳокимиятнинг қулай инвестицион микромуҳит яратиш бўйича ҳаракатлари туфайли, бир нечта лойиҳалар амалга оширилган. Ўзбекистоннинг бошқа кўплаб минтақаларига нисбатан табиий-географик ва иқлим шароитлари бир мунча яхшироқ бўлган бошқа ҳудудлардаги маҳаллий ҳокимиятни бу соҳага эътиборсизлиги кўплаб потенциал инвесторларнинг инвестиция киритиш ҳоҳишини сўндиради.

Бунга ўхшаш ҳолатларни ҳудудларда ташкил этилган хорижий сармоялар иштирокидаги корхоналар сони бўйича ҳам кўриш мумкин.



**2.3.2-расм. Ҳудудларда жами фаолият юритаётган хорижий сармоялар иштирокидаги корхоналар сони (ҳудудлар кесимида)<sup>18</sup>**

<sup>18</sup> Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида тузилган.

Таҳлиллар кўрсатишича, Ўзбекистон ҳудудларида 2012 йил ҳолатига кўра хорижий сармоялар иштирокидаги фаолият юритаётган корхоналар сони жами 4283 тани ташкил этган. Уларнинг аксарият қисми Тошкент шаҳрига тўғри келиб, 3033 тани ташкил этган. Шу билан биргаликда Ўзбекистонда инвестициялаш учун барқарор салоҳиятга эга бўлган минтакаларнинг аксарият қисмида уларнинг улуши оз бўлиб, 2012 йилда Хоразм вилоятида 25 та, Жиззах вилоятида 36 та, Сирдарё вилоятида 41 тани ташкил этган. Бу эса, бир томондан маҳаллий ҳокимиятларнинг қулай инвестицион муҳит яратиш бўйича фаолиятларининг суғлиги ҳамда ушбу ҳудудларда хорижий сармоялар иштирокидаги корхоналар фаолиятини рағбатлантиришдаги муаммолар билан изоҳланади.

Шунингдек, мамлакатимизда “Навоий” эркин индустриал-иқтисодий зонасининг ташкил этилиши хўлаик юритувчи субъектлар фаолиятини янада ривожлантирига ижобий таъсир кўрсатди. Мазкур эркин индустриал-иқтисодий зонасида фаолият кўрсатувчи хўжалик юритувчи субъектларга ҳукуматимиз томонидан бир қатор имтиёзлар ҳам жорий этилган.

“Навоий” эркин индустриал-иқтисодий зонасида рўйхатдан ўтган хўжалик юритувчи субъектлар уларга киритилган тўғридан-тўғри инвестициялар ҳажми қуйидагича бўлган тақдирда ер солиғи, мулк солиғи, даромад солиғи, ободончилик ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғи, ягона солиқ тўлови (кичик корхоналар учун), Республика йўл жамғармаси ва Республика мактаб таълимини ривожлантириш жамғармасига мажбурий тўловлардан озод этилади:

ЭИИЗда белгиланган тартибга кўра, рўйхатга олинган хўжалик юритувчи субъектлар ЭИИЗ фаолият кўрсатадиган бутун муддатга (ҳозирча 30 йил) экспортга йўналтирилган маҳсулот ишлаб чиқариш мақсадида мамлакатга олиб келинаётган асбоб-ускуналар, шунингдек, хомашё, материаллар ва бутловчи қисмлар божхона тўловларидан (божхона

расмийлаштируви учун йиғимлардан ташқари) озод қилинади. Шунингдек, Ўзбекистоннинг ички бозорида сотиш учун мўлжалланган маҳсулотни ишлаб чиқариш мақсадида мамлакатга олиб кириладиган хомашё, материаллар ва бутловчи қисмлар учун божхона тўловлари, агар қонун ҳужжатларида бошқа имтиёзли тартиб кўзда тутилмаган бўлса, белгиланган ставкаларнинг 50 фоиз миқдорида (божхона расмийлаштируви учун йиғимлардан ташқари) ундирилади. Бунда уларни тўлаш муддати 180 кунгача кечиктирилиши ҳам мумкин. Қайд этилган имтиёзлардан фойдаланган ҳолда, ЭИИЗ ҳудудига олиб кирилган асбоб-ускуналар, хомашё, материаллар ва бутловчи қисмлар сотилган ёки бепул берилган тақдирда, божхона тўловлари қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда бюджетга тўлиқ ҳажмда ундирилади.

“Навоий” эркин индустриал-иқтисодий зонасида рўйхатдан ўтган хўжалик юритувчи субъектларга қуйидагилар рухсат этилади:

- улар ўртасида тузилган шартнома ва контрактлар бўйича ҳисоб-китоб ва тўловларни ЭИИЗ ҳудудида хорижий валютада амалга ошириш;

- Ўзбекистон Республикаси резидентлари бўлган бошқа хўжалик юритувчи субъектлар томонидан етказиб берилган товарлар, бажарилган иш ва хизматларнинг ҳақини эркин алмаштириладиган валютада тўлаш;

- экспорт ва импорт қилинадиган товарлар учун ҳақ тўлаш ва ҳисоб-китоб қилишнинг уларга қулай шартлари ва шаклларидан фойдаланиш ва ҳоказолар.

“Навоий” эркин индустриал-иқтисодий зонасида рўйхатга олинган хўжалик юритувчи субъектларга нисбатан Ўзбекистон Республикаси солиқ қонунчилигининг солиқ тўловчилар аҳволини ёмонлаштирадиган ҳужжатлар татбиқ этилмаслиги белгилаб қўйилган (акциз солиғига тортиладиган товарларнинг солиққа тортилишини тартибга соладиган ҳужжатлар бундан мустасно).



Хулоса ўрнида шуни айтиб ўтишимиз мумкинки, мамлакатимизда яратилган инвестицион муҳит ҳозирги пайтда хўжалик юритувчи субъектлар учун ўзининг яратилган барча қулай шарт-шароитлари шунингдек ҳар хил турдаги имтиёзлари билан жозибадорлигини намоён қилмоқда. Бунга далил сифатида иқтисодиётимизга жалб этилаётган инвестициялар салмоғининг йилдан – йилга ошиб бораётганлигини ҳамда ундан оқилона мақсадларда фойдаланилаётганлигини келтиришимиз мумкин. Юқоридаги маълумотлардан айтиш мумкинки, инвестиция муҳитининг жозибадорлиги истиқболда миллий иқтисодиётимизда фаолият юритаётган хўжалик юритувчи субъектларнинг инвестицион фаоллигини янада ошишида муҳим ўрин тутди.

### **III-боб. Хўжалик юритувчи субъектларнинг молиявий барқарорлигини ошириш масалалари.**

Хўжалик юритувчи субъектларнинг молиявий барқарорлиги қуйидагилар билан характерланади:

- ташқи қарз манбаларидан молиявий мустақиллик;
- молиявий ресурслардан еркин ва самарали фойдаланиш борасида ХЮС нинг қобилияти;
- хўжалик фаолиятини таъминлаш учун зарур бўлган ўз маблағлари суммаларининг хўжалик юритувчи субъектларда барқарор мавжудлиги.

Молиявий барқарорлик мазмунининг асосида хўжалик юритувчи субъектлар молиявий ресурсларини самарали шакллантириш, тақсимлаш ва улардан фойдаланиш ётади. Молиявий барқарорликнинг таҳлили таҳлил даври мобайнида хўжалик юритувчи субъектлар ўзининг молиявий ресурсларини қуйидаги вазифаларни ечиш учун қанчалик тўғри бошқарганлигини аниқ-лашга имкон беради:

- талаб маҳсулотига ега бўлган ишлаб чиқариш жараёнининг узлуксизлигини таъминлаш;
- маҳсулот реализация қилинишининг узлуксизлигини йўлга қўйиш;
- инновацион асосда ишлаб чиқариш базасини кенгайтириш ва янгилаш.

Бу вазифаларни муваффақиятли бажариш учун хўжалик юритувчи субъектларнинг фаолияти тўғрисида тўлиқ ва ишончли маълумотларга ега бўлмоқ лозим. Бунда молиявий ресурслар ҳолатининг бозор талабларига мувофиқ келиши ва хўжалик юритувчи субъектлар тараққиётининг еҳтиёжларига жавоб бериши муҳим ҳисобланади.

Хўжалик юритувчи субъектларнинг молиявий барқарорлигига хилма-хил бўлган жуда кўплаб омиллар ўз таъсирини кўрсатади. Улар, одатда, қуйидаги белгиларига кўра классификация қилинади:


- вужудга келиш жойига қараб;
- натижасининг муҳимлигига кўра;
- таркибий тузилмаси бўйича;
- ҳаракат етиш даврига мувофиқ.

Вужудга келиш жойига қараб хўжалик юритувчи субъектларнинг молиявий бар-қарорлигига таъсир кўрсатувчи омиллар қуйидаги икки гуруҳга бўлинади:

- ички;
- ташқи.

Натижасининг муҳимлигига кўра молиявий барқарорликка ўз таъсирини кўрсатувчи омиллар қуйидаги икки гуруҳдан ташкил топади:

- асосий омиллар;
- иккинчи даражали аҳамиятга ега бўлган омиллар.



Хўжалик юритувчи субъектларнинг молиявий барқарорлигига ўз таъсирини кўрса-тувчи асосий ички омилларга қуйидагилар киради:

- молиявий ресурсларнинг таркиби ва таркибий тузилмаси, уларни бошқаришнинг тактикаси ва стратегияси;
- хўжалик юритувчи субъектлар мол-мулкининг таркиби ва таркибий тузилмаси;
- ишлаб чиқариш чиқимларининг таркиби ва таркибий тузил-маси, уларни қисқартириш имкониятлари;
- ишлаб чиқариладиган маҳсулотнинг тўловга лаёқатли бозор талабига мувофиқлиги;
- хўжалик юритувчи субъектлар нинг қайси тармоққа мансублиги ва бошқалар.

Бу омилларнинг таъсирини баҳолаш менежерларнинг касбий маҳоратига, уларнинг компетентлигига, ички ва ташқи муҳитдаги ўзгаришлар ва ўзаро боғлиқликни ҳисобга олиш қобилиятига кўп жиҳатдан боғлиқ.

Молиявий барқарорликка таъсир етувчи ташқи омилларга қуйидагиларни киритиш мумкин:

- хўжалик юритишнинг иқтисодий шароитлари таъсири;
- давлатнинг солиқ ва кредит сиёсати;
- истеъмолчиларнинг тўловга лаёқатли талаби ва даромад-ларининг даражаси;
- жамиятда техника тараққиёти, техника ва технологиялар-нинг умумий даражаси;
- ташқи иқтисодий алоқаларнинг даражаси;
- ХҲОС фаолияти устидан назорат бўйича қонунчилик актлари;
- ва бошқалар.

Хўжалик юритувчи субъектларнинг молиявий барқарорлигига таъсир кўрсатувчи омилларга боғлиқ равишда у қуйидагиларга бўлиниши мумкин:

- ички барқарорлик;
- ташқи барқарорлик;
- умумий барқарорлик.

Ички барқарорлик хўжалик юритувчи субъектларнинг шундай молиявий ҳолатидир-ки, унда фаолият кўрсатишнинг барқарор юқори натижаси, енг биринчи навбатда, ички омилларнинг фаоллаштирилиши ҳисоби-дан таъминланади.

Ўз навбатида, ташқи барқарорлик хўжалик юритувчи субъектларнинг шундай мо-лиявий ҳолатидирки, у доирасида хўжалик юритувчи субъектлар фаолият кўрсатадиган иқ-тисодий муҳитнинг барқарорлиги билан белгиланади. Бундай бар-қарорлик бутун мамлакат масштабида ривожланаётган иқтисодиёт шароитида еришилади.

Ва ниҳоят, умумий барқарорлик хўжалик юритувчи субъектларнинг шундай молия-вий ҳолатидирки, унда ички ва ташқи омилларнинг ўзаро таъсир-чанлигини фаоллаштириш ҳисобидан маблағлар тушумининг уларнинг харажат қилинишидан ортиқчалиги таъминланади.

Хўжалик юритувчи субъектлар молиявий ҳолатининг барқарорлиги молиялашти-ришда еҳтиёжларни қондиришнинг манбалари сифатида ўз ва қарз маблағларининг нисбати асосида ҳисобланадиган нисбий ва абсо-лют кўрсаткичлар тизими билан баҳоланади. Етарли бўлмаган мо-лиявий барқарорлик хўжалик юритувчи субъектларни тўловга ноқобиллиликка ва ишлаб чиқаришни ривожлантириш учун унда маблағлар мавжуд бўлмас-лигига олиб келиши мумкин. Аксинча, ортиқча молиявий барқарор-лик еса таракқиётга тўсқинлик қилишга, ортиқча захиралар туфай-ли харажатларнинг оғирлашувига сабаб бўлади.

Молиявий барқарорликни таҳлил қилишнинг вазифалари қуйидагилардан иборат:

- ўз айланма маблағларининг суммаларини аниқлаш ва улар-нинг динамикасига таъсир етувчи омилларни билиш;
- захиралар, харажатлар ва барча айланма активларни шакллантириш қисми бўйича молиявий барқарорликни баҳолаш;
- молиявий барқарорликнинг типини аниқлаш.

Ўз айланма маблағлари, захиралар ва харажатларни шакллантиришнинг бошқа манбалари кўрсаткичларининг нисбатига ва захираларнинг ўлчамига боғлиқ равишда хўжалик юритувчи субъектлар молиявий барқарорлигининг қуйидаги типларини ажратиш мумкин:

- абсолют молиявий барқарорлик;
- соғлом (нормал) молиявий барқарорлик;
- нобарқарор молиявий аҳвол;
- кризисли молиявий ҳолат.

Абсолют молиявий барқарорликнинг асосий шарти нотўловлар ва улар келиб чиқиш сабабларининг мавжуд эмаслигидир.

Соғлом (нормал) молиявий барқарорлик ички ва ташқи молиявий интизомнинг бузилмаслигини тақозо этади.

Нобарқарор молиявий аҳвол молиявий интизомнинг бузилиши (меҳнат ҳақини тўлашдаги кечикишлар, вақтинча бўш турган ўз маблағлари, резерв фондлари ва бошқа фондлардан фойдаланиш), ҳисоб-китоб счётига пул маблағларининг узилишлар билан тушиши, рентабелликнинг нобарқарорлиги, молиявий режанинг, жумладан, фойда бўйича режанинг бажарилмаслиги ва ҳ.к.лар билан характерланади.

Кризисли молиявий ҳолат қуйидаги бир неча даражаларга ега:

- биринчи даража (1): муддати ўтказиб юборилган банк ссудаларининг мавжудлиги:

- иккинчи даража (II): 1 + товарлар бўйича мол етказиб бе-рувчиларга муддати ўтказиб юборилган қарздорликнинг мавжуд-лиги;
- учинчи даража (III): II + бюджетга нисбатан боқиманда-ларнинг мавжудлиги.

Кризисли молиявий ҳолатда захиралар ва харажатлар уларни шакллантириш манбалари билан таъминланмайди ва бу нарсa ХЮС ва банкротлик оstonасидаги чуқур кризис тўғрисида хулоса чиқа-ришга асос бўлади. Бундай вазиятда пул маблағлари, қисқа муддат-ли қимматли қоғозлар ва дебиторлик қарзлари унинг кредиторлик қарзларини ва муддати ўтказилган ссудаларни қопламайди.

Хўжалик юритувчи субъектларнинг молиявий ҳолати комплекс тушунча бўлиб, унинг хўжалик ва тижорий фаолияти жараёнида вужудга келадиган молияв-ий муносабатлар барча элементларининг ўзаро таъсирчанлигини акс еттиради. Хўжалик юритувчи субъектларнинг молиявий ҳолати маблағларни жойлаштириш ва улардан фойдаланиш ҳамда уларни шакллантириш манбалари билан характерланади. Молиявий ҳолатни аниқлаш учун қуйидагиларни ўз ичига олувчи молиявий таҳлил ўтказилади:

- молиявий ҳолатнинг экспресс-таҳлили (активлар ва пассив-лар таркибий тузилмасининг, мол-мулк, захиралар ва харажатлар ҳолатининг таҳлили);
- молиявий барқарорлик таҳлили;
- хўжалик юритувчи субъектлар баланси ликвидлигининг таҳлили;
- фаолиятнинг молиявий натижалари таҳлили;
- рентабеллик ва ишбилармонлик фаоллиги таҳлили.

Хўжалик юритувчи субъектларнинг молиявий ҳолати, шунингдек, молиявий ресурсларни шакллантириш ва улардан фойдаланиш жараёнларини акс еттирувчи кўрсаткичлар мажмуи билан ҳам характерланади. Молиявий-хўжалик фаолиятининг натижалари фақат хўжалик юритувчи субъектларишчи ва

хизматчиларининг диққат-еътиборида бўлибгина қолмасдан, худди шу нарса хўжалик фаолияти бўйича унинг ҳамкорлари, давлат, молия, солиқ органлари ва бошқаларнинг ҳам диққат марказида бўлади. Буларнинг барчаси хўжалик юритувчи субъектлар молиявий ҳолати таҳлилини амалга оширишнинг муҳимлиги ва унинг иқтисодий жараёнлардаги аҳамиятини оширади.

Молиявий таҳлилнинг мақсади қуйидагилардан иборат:

- молиявий ҳолат кўрсаткичларининг ўзгаришини аниқлаш;
- барқарорликка таъсир кўрсатувчи омилларни аниқлаб олиш;
- молиявий ҳолатнинг сифат ва миқдорий ўзгаришларини баҳолаш;
- маълум бир сана учун хўжалик юритувчи субъектлар молиявий аҳволини баҳолаш;
- молиявий ҳолат ўзгаришининг асосий йўналишларини аниқлаш;
- ва бошқалар.

Молиявий ҳолат таҳлилида хўжалик юритувчи субъектлар томонидан реализация қилинган маҳсулотнинг рентабеллиги, унинг ишловчи капитали, молиявий барқарорлиги, баланснинг ликвидлиги, тўлов қобилияти ва кредитга лаёқатлиги аниқланади ва уларга баҳо берилади.

Хўжалик юритувчи субъектларнинг соғлом (нормал) молиявий барқарорлиги хусусида қуйидаги параметрларни биргаликда олиб қараб гапириш мумкин:

- тўлов қобилияти (ўз мажбуриятлари бўйича хўжалик юритувчи субъектларнинг барқарор ҳисоб-китобларни амалга ошириш имконияти);
- баланснинг ликвидлиги (мажбуриятларни ликвид активлар билан қоплаш даражаси);
- кредитга лаёқатлилиқ (кредитларни қайтариш қобилияти);
- рентабеллик (фойдалилик).

Юқорида келтирилганларнинг ҳар бири таҳлил қилишнинг ўз методикасига эга.



Хўжалик юритувчи субъектларнинг молиявий барқарорлигини оширишда қуйидагиларни инобатга олиш лозим:

– мамлакатимиз ва унинг минтақаларида янада қулай бизнес-муҳит яратиш, хусусий мулкчиликнинг устуворлигини мустаҳкамлашга йўналтирилган қонун ҳужжатларини такомиллаштириш ва бу борада ишончли кафолатларни таъминлаш, тадбиркорликка кўпроқ эркинлик бериш, давлатнинг бошқарув функциялари ва рухсат берувчи нормаларни қисқартириш, бюрократик тўсиқ ва ғовларни олиб ташлаш, кичик бизнес субъектларининг молия-кредит ва хом ашё ресурсларидан, улар ишлаб чиқарадиган маҳсулотларга давлат буюрт-малари берилишидан кенг фойдаланишни таъминлайдиган бозор воситалари ва механизмларини татбиқ этиш;

– давлат ва назорат органларининг хўжалик юритувчи субъектлар молия-хўжалик фаолиятига аралашувини кескин қисқартириш;

– хўжалик юритувчи субъектларни рўйхатдан ўтказиш тартиб-қоидаларини янада соддалаштириш, кичик бизнес субъектларини қуриш ва уларни муҳандислик-коммуникация тармоқларига улаш, нотуражой хоналари ва зарур ер участкаларини ажратиб бериш борасидаги масалаларни ҳал этиш бўйича аниқ чора-тадбирларни қабул қилиш;

– хўжалик юритувчи субъектларга солиқ ва бошқа тўловлар бўйича янада қулай шарт-шароитлар яратиш, имтиёз ва преференциялар бериш, ҳисоботлар тизими ҳамда молия, солиқ ва статистика органларига ҳисоботлар топшириш механизмини такомиллаштириш ва унификациялаш;

– хўжалик юритувчи субъектларга кредитлар бериш механизмини янада такомиллаштириш ва уларнинг ҳажмини ошириш, биринчи навбатда, инвестиция мақсадларига, бошланғич сармояни шакллантиришга кредитлар ажратиш, ишлаб чиқаришни модернизация қилиш ҳамда технологик янгилаш учун ўрта ва узоқ муддатли кредитлар бериш;

– хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятига хорижий инвестицияларни, авваламбор, халқаро молия институтларининг кредитларини ҳамда тўғридан-тўғри инвестицияларни кенг жалб этиш ва йўналтириш;

– саноат тармоқларида хўжалик юритувчи субъектларни ривожлантириш ҳамда юқори технологияга асосланган замонавий ишлаб чиқаришларни ташкил этиш учун кенг имкониятлар яратиш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари томонидан ишлаб чиқаришга инновацион технологиялар жорий этилишини рағбатлантириш;

– хўжалик юритувчи субъектларнинг ташқи иқтисодий фаолиятдаги иштирокини кенгайтириш масалаларини тубдан ҳал этиш, уларнинг экспорт салоҳиятини оширишга, экспортга мўлжалланган маҳсулотини жаҳон ва минтақавий бозорларга олиб чиқишга кўмаклашиш;

– хўжалик юритувчи субъектларни ахборот билан таъминлаш, шунингдек, кадрлар тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш масалаларида уларга консултив кўмак бериш тизимини янада ривожлантириш.

Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятида юзага келаётган муаммоларнинг асосий қисми фаолиятни бошқарув жараёнида мотивациявий омиллардан фойдаланмаслик ва уни кенг қўлламаслик ҳамда тадбиркорнинг керакли меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларнинг мазмунига тушунмаслиги, ўз вақтида давлат бошқарув органларига мурожаат қилмаслиги сабабли салбий оқибатларни келтириб чиқармоқда.

Корхонада бошқарувчи ўзининг бошқариш тизимида юқорида келтирилган йўналишларни тўғри жорий этса, ундан оқилона фойдаланса, бошқарувда мотивацион омиллардан фойдаланишни тўғри ташкил қилса, шунингдек, тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришнинг ташкилий, иқтисодий ва ҳуқуқий мотивацион омилларини такомиллаштириш йўллари

ишлаб чиқиб, амалиётга тўғри татбиқ эта олсагина самарали фаолият юритишга эриша олади (расм).

Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини ривожлантиришнинг ташкилий, иқтисодий ва ҳуқуқий мотивацион омилларидан ташкилий мотивацион омилларини кўрадиган бўлсак, у қуйидагилардан иборат:

- \* хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини бошқаришда мотивацион омилларга таянган ҳолда қарорлар қабул қилиш;

- \* самарали бошқариш усуллари ишлаб чиқиш;

- \* ходимлардан интизомлиликни талаб этиш;

- \* ўз қобилиятини ишга солиш;

- \* инновацион фаолиятни такомиллаштириш;

- \* хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини ривожлантиришга кўмаклашувчи ташқи ҳамкорлар билан муносабатларни яхшилаш;

- \* яратилган маҳсулот ва хизматларнинг экспорт даражасини ошириш йўллари ишлаб чиқиш;

- \* хўжалик юритувчи субъектлар фаолияти натижалари бўйича давлат органларига ҳисоботлар топшириш механизмининг тубдан такомиллаштириш.

Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини ривожлантиришнинг иқтисодий мотивацион омиллари қуйидагилардан ташкил топган:

- \* рағбатлантириш механизмининг такомиллаштириш;

- \* ўринсиз текширувларни бартараф қилиш чораларини ишлаб чиқиш;

- \* молиявий қўллаб-қувватлашда молиявий институтларнинг ролини ошириш;

- \* солиққа тортиш ва солиқ юкини янада камайтириш ва рағбатлантириш;

- \* иқтисодий маслаҳат хизматлари фаолиятини ривожлантириш;

- \* ишлаб чиқаришда хом ашё ресурсларини тежаш ва улардан оқилона фойдаланиш;

\* ходимлар меҳнатига ҳақ тўлаш тизимини янада такомиллаштириш.

Юқорида келтирилган хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини ривожлантиришнинг ташкилий, иқтисодий ва ҳуқуқий мотивацион омилларининг амалиётда кенг қўлланилиши тадбиркор учун маълум бир даражада иқтисодий самарадорликни шакллантирса, бошқа томондан тадбиркор бош-қарувни тўғри ташкил этишида, иқтисодиётда ўз ўрнини топишида ҳамда қонунчилик тамо-йилларига амал қилишида ўзига хос самара беради.

Шу жиҳатдан, ҳозирда хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини ривожлантиришда мотивациявий омиллардан фойдаланишни тўғри ташкил қилиш бошқарувчи менежерларнинг зиммасидаги асосий вазифалардан бири ҳисобланади. Айнан, замонавий бошқарувни шакл-лантиришда бошқарувчига ишни тўғри ташкил қилиш эмас, балки мотивациявий омиллардан фойдаланган ҳолда бошқарувни самарали ташкил этиш муҳимдир:

биринчидан, хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини турли хатарлардан ҳимоя қилиш механизмининг такомиллаштириш, бунда тадбиркорлик фаолиятида учрайдиган иқтисодий хавфларни аниқлаш, уларни баҳолаш ҳамда улардан ҳимоя қилиш чораларини кўриш, бу бошқарувчининг маъсулиятли вазифаларидан бири ҳисобланади;

иккинчидан, хўжалик юритувчи субъектларни давлат рўйхатига олиш учун рухсат берувчи ҳужжатларни расмийлаштириш соҳасидаги муаммолар ва тўсиқларнинг юзага келишининг олдини олиш мақсадида уларнинг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш;

учинчидан, маҳаллий ҳокимиятлар ҳузуридаги ер ажратиш комиссияси ишини қайтадан кўриб чиқиш ва хўжалик юритувчи субъектлар учун ер ажратиш механизмининг тубдан ўзгартириш чораларини кўриш;

тўртинчидан, хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятига доир соҳа мутахассисларини тайёрлаш бўйича таълим муассасаларида кадрларни тайёр-

лашни такомиллаштириш, ишлаб чиқаришни таълим билан бевосита боғлаш, тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш ва бошқаришда инновацион фаолликни ошириш;

бешинчидан, хўжалик юритувчи субъектлар фаолияти ривождаги маркетинг муаммолари ҳали-ҳануз ўз ечимини топгани йўқ, шу боис, фаолият юритувчи субъектларни маркетинг ва менежмент соҳаларига оид иқтисодий билимларини ошириш дастурларини ишлаб чиқиш;

олтинчидан, хўжалик юритувчи субъектлар фаолияти натижасида ишлаб чиқарилган ҳамда маҳсулот ва хизматларни аккредитация қилиш ва сертификатлаштиришдаги муаммоларнинг мавжудлиги улар фаолиятининг ривожланишига тўсиқ бўлмоқда. Бу муаммоларнинг ечими улар учун зарур омиллардан бири бўлган экспорт маҳсулотларини халқаро стандартлар ва халқаро амалиёти негизида аккредитациялаш ва сертификатлаштириш бўйича миллий инфратузилма сифатини ишлаб чиқиш ва жорий қилиш бўйича давлат дастурини белгилаш муҳим омиллардан бири ҳисобланади.

Хулоса ўрнида айтиш жоизки, хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини ривожлантиришнинг ташкилий, иқтисодий ва ҳуқуқий мотивацион омилларидан тўғри фойдаланиш фаолиятнинг бошқарувига ижобий жиҳатдан кўмак беради ва иқтисодий самарадорликнинг ошишига, тадбиркорнинг иқтисодий ва ҳуқуқий манфаатлари ҳимоя қилинишига муҳим замин яратиб беради.

## **Хулоса ва таклифлар.**

Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида хўжалик юритувчи субъектлар иқтисодиётнинг ўзгаришларга тез мослашувчан соҳаси сифатида ички бозорни истеъмол товарлари билан тўлдириш, хизмат кўрсатишнинг янги ва замонавий турларини кенгайтириш, экспорт салоҳиятини ривожлантиришда муҳим аҳамият касб этмоқда. Хўжалик юритувчи субъектларни қўллаб-қувватлаш борасида қабул қилинган қарорларнинг амалиётган кенг тадбиқ этилиши, текшириш ишларининг қисқарганлиги, бизнес юритиш учун молия ва вақт харажатларининг камайганлиги, рўйхатга олишнинг хабардор қилиш тизимининг жорий этилиши натижасида рўйхатга олинган ва фаолият юритаётган субъектлар сони жадал ошиб, уларнинг иқтисодий кўрсаткичларида ҳам ижобий тенденциялар юз бермоқда.

Мазкур магистрлик диссертациясини ёзиш жараёнида қуйидаги илмий хулосалар шакллантирилди:

- давлатнинг молиявий салоҳияти хўжалик юритувчи субъектлар молияси билан бевосита боғлиқ бўлиб, миллий иқтисодиётда фаолият юритаётган хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг рағбатлантирилиши пировардида давлат молиявий салоҳияти ошишида муҳим ўрин тутди.

- хўжалик юритувчи субъектларнинг молиявий ҳолати комплекс тушунча бўлиб, унинг хўжалик ва тижорий фаолияти жараёнида вужудга келадиган молиявий муносабатлар барча элементларининг ўзаро таъсирчанлигини акс еттиради. Хўжалик юритувчи субъектларнинг молиявий ҳолати маблағларни жойлаштириш ва улардан фойдаланиш ҳамда уларни шакллантириш манбалари билан характерланади.

- хўжалик юритувчи субъектларнинг молиявий барқарорлигини оширишнинг омиллари қуйидагилардан иборат:

- асосий ва айланма маблағларнинг мазмунини оптималлаш-тириш: инновацион технологиялар сотиб олишни кўпайтириш, ту-галланмаган ишлаб чиқаришни қисқартириш, маҳсулот таннархини пасайтириш;

- хўжалик юритувчи субъектларнинг пул-ҳисоб-китоб ўзаро алоқаларининг самарадорлигини ошириш;

- оқилona баҳо сиёсати ва фойдани тақсимлашни оптималлаштириш;

- муваффақиятли молиявий стратегияни амалга оширишни, хўжалик юритувчи субъектларнинг соғлом (нормал) ишини таъминловчи молиявий ресурсларни шакллантиришнинг мумкин бўлган вариантларини асослаш.

- хўжалик юритувчи субъектлар молиявий салоҳиятининг даражаси уларнинг самарали инвестицион-тадбиркорлик фаоллигига боғлиқ. Замонавий ўзгарувчан (динамик) иқтисодий муҳит хорижий капитални кўшган ҳолда ўз ва жалб қилинган инвестицион манбалар асосида ишлаб чиқаришни доимий равишда илмий-техникавий жиҳатдан янгилаш-ни ва ривожлантиришни талаб қилади.

- Давлатнинг молиявий салоҳияти таркибига асосий фондлар, тугалланмаган ишлаб чиқариш, моддий айланма маблағлар, уй-рўзғор мулклари, номоддий активлар қиймати – инсон капитали кирадиган моддий капитал кўринишидаги миллий бойлик ҳажми (ўлчами)ни киритиш мумкин;

- хусусий хўжалик юритувчи субъектлар молиявий салоҳияти. У айланмадан ташқари активлар ва айланма активларининг йиғиндисидан ташкил топади. Бу ерда айланмадан ташқари активлар номоддий активлар, асосий воситалар, тугалланмаган ишлаб чиқариш, моддий бойликларга даромадли қўйилмалар, узоқ муддатли молиявий қўйилмалар, айланмадан ташқаридаги бошқа активлардан иборат.

- банк-кредит тизимининг молиявий салоҳияти – кредит ресурсларига бўлган иқтисодиётнинг еҳтиёжларини қондириш бўйича кредит ташкилотлари активлари ва реал имкониятларининг йиғиндиси. Жуда

кўпчилик мамлакатларнинг банк-кредит тизими ҳозирги пайтда кенгайтирилган такрор ишлаб чиқариш жараёнини кредит ресурслари билан таъминлаш имкониятига эга эмас. Хўжалик юритувчи субъектларга тақдим этилаётган кредит ресурслари, асосан, қисқа муддатли характерга эга. Асосий капитални шакллантиришдаги кредитларнинг салмоғи иқтисодиёт самарадорлигининг ўсиши учун етарли эмас;

- суғурта фондларининг молиявий салоҳияти. Бу салоҳият тадбиркорлик рискларини пасайтирадиган ва жамғармалар ҳамда инвестициялар ўсишини таъминлайдиган пул суғурта ресурсларини шакллантириш бўйича суғуртавий молиявий-иқтисодий имкониятлар йиғиндисининг амалга оширилиши орқали намоён бўлади;

- уй хўжаликларининг молиявий салоҳияти. Бу салоҳият уларнинг жами даромадлари, солиқ, рента ва фоиз тўловлари, инвестицион талабнинг ўсишига истеъмол ва жамғаришнинг таъсири орқали ифодаланади.

Магистрлик диссертациясини ёзиш жараёнида қуйидаги илмий тақлиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқилди:

- мамлакатимиз ва унинг ҳудудларида янада қулай бизнес-муҳит яратиш, хусусий мулкчиликнинг устуворлигини мустаҳкамлашга йўналтирилган қонун ҳужжатларини такомиллаштириш ва бу борада ишончли кафолатларни таъминлаш, тадбиркорликка кўпроқ эркинлик бериш, давлатнинг бошқарув функциялари ва рухсат берувчи нормаларни қисқартириш, бюрократик тўсиқ ва ғовларни олиб ташлаш, хўжалик юритувчи субъектларнинг молия-кредит ва хом ашё ресурсларидан, улар ишлаб чиқарадиган маҳсулотларга давлат буюртмалари берилишидан кенг фойдаланишини таъминлайдиган бозор воситалари ва механизмларини татбиқ этиш;

- давлат ва назорат органларининг хўжалик юритувчи субъектлари молия-хўжалик фаолиятига аралашувини кескин қисқартириш;



- хўжалик юритувчи субъектларни ташкил қилиш ҳамда уларни рўйхатдан ўтказиш тартиб-қоидаларини янада соддалаштириш;

- хўжалик юритувчи субъектлари учун солиқ ва бошқа тўловлар бўйича янада қулай шарт-шароитлар яратиш, имтиёз ва преференциялар бериш, ҳисоботлар тизими ҳамда молия, солиқ ва статистика органларига ҳисоботлар топшириш механизмини такомиллаштириш ва унификациялаш;

- хўжалик юритувчи субъектларга кредитлар бериш механизмини янада такомиллаштириш ва уларнинг ҳажмини ошириш, биринчи навбатда, инвестиция мақсадларига, бошланғич сармояни шакллантиришга кредитлар ажратиш, ишлаб чиқаришни модернизация қилиш ҳамда технологик янгилаш учун ўрта ва узоқ муддатли кредитлар бериш;

- хўжалик юритувчи субъектларини ривожлантиришга хорижий инвестицияларни, авваламбор, халқаро молия институтларининг кредитларини ҳамда тўғридан-тўғри инвестицияларни кенг жалб этиш ва йўналтириш;

- саноат тармоқларида хўжалик юритувчи субъектлари фаолиятини ривожлантириш ҳамда юқори технологияга асосланган замонавий ишлаб чиқаришларни ташкил этиш учун кенг имкониятлар яратиш, хўжалик юритувчи субъектлари томонидан ишлаб чиқаришга инновацион технологиялар жорий этилишини рағбатлантириш;

- хўжалик юритувчи субъектларнинг ташқи иқтисодий фаолиятдаги иштирокини кенгайтириш масалаларини тубдан ҳал этиш, уларнинг экспорт салоҳиятини оширишга, экспортга мўлжалланган маҳсулотини жаҳон ва минтақавий бозорларга олиб чиқишга кўмаклашиш;

- хўжалик юритувчи субъектларни ахборот билан таъминлаш, шунингдек, кадрлар тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш масалаларида уларга консултиватив кўмак бериш тизимини янада ривожлантириш.